

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ
ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БИТИРУВЧИСИ
ОЛИМОВА ГУЛҲАЁНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИНИНГ ПАЙДО
БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Илмий раҳбар: М.К.Жанобилова

“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият
асослари” кафедра йиғилишида муҳокама
қилиниб, ҳимояга тавсия этилган
“_____” _____ № ____ сонли
баённома

Кафедра мудири _____ доц. Очиллов
Ў.С.

БУХОРО - 2012

ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

РЕЖА:

КИРИШ

I. ЛИБЕРАЛИЗМ ТУШУНЧАСИ: МОҲИАТИ ВА МАЗМУНИ

Либерализм таълимотининг тарихий-ғоявий илдиэлари.

И.Кантнинг либерализм таълимоти ривожига кўшган
хиссаси

II. ҒАРБ ВА ШАРҚ ЛИБЕРАЛИЗМИ: МАЗМУН ВА МОҲИАТ.

2.1. Ғарб олами мумтоз либерал таълимотининг устувор
мақсадлари

2.2. Шарқ либерализмининг ўзига хос жихатлари ва
хусусиятлари.

III. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.

3.1. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар

3.2. Либерализм таълимотининг ғоявий тантанаси ва
истикболи

ХУЛОСА.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Дунёдаги ғоявий-сиёсий оқимлар тарихига мурожаат этадиган бўлсак тараққий этган мамлакатларнинг фаровонлиги, куч-қудрати ва гуллаб-яшнаши либерализм ривожин билан бир қадар боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислохотларни давом эттириш, ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш, демократик кадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлган фуқаролик институтларини, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, кенг миқёсли иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизга имконият яратади. Шунингдек, либерализм сарчашмалари “эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа¹”ни ҳал этиш имкониятини беради.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда давлатлараро муносабатлар ҳам тобора жадаллашиб бормоқда. Аммо бу муносабатлар мувозанатини ўз фойдасига буриш, ўз миллий манфаатларини бошқа халқлар манфаатларидан устун қўйиш (“оёқ ости” қилиш маъносида) каби носоғлом мақсадларни ўзининг ташқи сиёсат принципи даражасига кўтариш каби жараёнлар нафақат айрим давлатлар миллий суверенитетига даҳл қилмоқда, балки инсоният олдида юзага келаётган глобал муаммолар: экологик бухронлар, ядро уруши ҳавфи, халқаро терроризм каби ўз ечимини фақат давлатлараро консенсус, ҳамфикрлилик, манфаатлар муштараклиги, ўзаро ишонч ва ўзаро масъулиятга асосланган халқаро бирдамлик билан ҳал қилиш мумкин бўлган тизимга путур етказмоқда.

Айниқса ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида турли мафкуралар ва таълимотлар кенг фойдаланилмоқда. Шу мақсадда жаҳонда мавжуд бўлган сийсий таълимотлар ва мафкураларни ва унинг ижобий ва салбий оқибатларини ҳам илмий-рационал асосда тадқиқ этиш нафақат фалсафа ёки сиёсатшунослик, балки ҳозирги даврнинг ижтимоий жараёнларини ва ундаги муаммоларни ўрганувчи барча ижтимоий фанлар олдидаги долзарб бўлган мавзу ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсади либерализм сиёсий таълимотининг мақсад ва вазифаларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаш, айрим ғарб давлатлари назариётчилари ва сиёсатчилари илгари сураётган универсал тараққиёт ғояси ортида қандай манфаатлар борлигини ва бу борада айниқса либерализм ғоялари байроғи остида ривожланаётган давлатлар суверенитетига кўрсатаётган салбий

¹ И.Каримов . Ўзбекистон –буюк келажак сари.-Ўзбекистон, 2000.-212 б.

таъсирини ўрганиш мақсад қилиб олинган ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

Биринчи навбатда, ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан либералим таълимотининг табиий-эволюцион тараққиётини таҳлил этиш орқали унинг сиёсий-фалсафий асосларини ўрганиш ва унинг демократиянинг миллий хусусиятлар билан узвий боғлиқ эканлиги ва шу асосда тараққий этиши унинг объектив қонуниятини эканлигини асослаш;

Иккинчи навбатда, либерализм ғояларининг тадрижий тараққиётини тадқиқ этиш орқали унинг асосида қандай ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ётишини сиёсатшунослик ва ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш;

Учинчи навбатда, Ғарб мамлакатларида либерализм ғояларини ривожланиши ва унинг фуқаролар ҳаётида акс этишини ёритиш орқали унинг афзалликларини ва камчиликларини очиб бериш, шунингдек, Шарқ либерализмининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳиҳатларни илмий тадқиқ этиш, Ғарб ва Шарқ либерал ғояларни қиёсий таҳлил этиш, мафкуравий жараёнларда либерал ғоялар қандай воситалар ва усулларда амалга оширилаётганлигини таҳлил қилиш;

Тўртинчи навбатда, тараққиётнинг ҳозирги босқичида либерализм ғояларнинг таъсир доираси ва унинг истиқболи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларда мазкур таълимот илгари сурадиган ғоя ва фикрларга таяниш лозимлигининг концептуал жиҳатларига тўхталиш;

Бешинчи навбатда, либерализм таълимотининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисида ўқувчиларда тушунчалар ҳосил қилиш ва мустақил таҳлилий-танқидий муносабатни шакллантиришда юқори синфларда “Миллий истиқлол ғояси” фани доирасида ўтиладиган мавзуларнинг самарали методикасини ишлаб чиқиш ва тараққиётнинг мафкуравий асосларини яратишда либерал ғоялар демократик тамойиллар эканлигига алоҳида урғу бериш каби масалалар вазифа қилиб олинди.

Мавзунинг илмий ишланганлик даражаси. Маълумки, либерализм яхлит бир мафкура булиб, унинг шаклланишида турли ижтимоий-тарихий ва миллий маданий шароит муҳим урин тутган. Шунингдек у муайян ғоя, дунёқараш шакллари, сиёсий, иқтисодий мафкура ва сиёсий фалсафа сифатидаам намоён бўлган. Қолаверса, муайян сиёсий тузум шароитида либерал амалиёт шакли ва либерализмининг тарихий анъаналари тарзида ҳам фарқланиб келган. Бу мафкуравий оқим ҳақида кўплаб китоблар, илмий маколалар ёзилган. Либерализм Оврупо ижтимоий-сиёсий ҳаётида дастлаб XIX асрнинг бошлари- да тушунча сифатида пайдо бўлган. Лекин либерал дунёқараш илдизлари Уйғониш даври (Ренессанс), Ислохотчилик (Реформация) ва Ньютон илмий инқилоби даврларига бориб тақалади. Уни шакллантиришда Ж.Локк Ш.Л.Монтескье, И.Кант, А.Смит, В.Гумбольдт, Т.Жефферсон, Ж.Медисон, Б.Констан каби тафаккур сохиблари муҳим урин тутган. Улар асослаб берган ғояларни И.Бентам, Ж.С.Милль, Т.Х.Грин, Л.Хобхауз, Б.Бозанкет ва ғарб ижтимоий-сиёсий фикрининг бошқа

намояндалари ривожлантирган. Либерал дунёқараш шаклланишига Оврупо ва Америка маърифатпарварлари, француз физиократлари, Манчестер инглиз фалсафа мактаби, немис мумтоз фалсафаси ва Оврупо мумтоз сиёсий иқтисоди вакиллари ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Юртимиз олимлари томонидан миллий давлатчилигимизга ва суверенитетимизга мустаҳкамлашда либерал ғояларнинг тутган ўрни борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари қилинган. Бу борада изланишлар олиб борган олимларимиздан Р.Жумаев², С. Жўраев³, А. Эркаев⁴, И. Эргашев⁵, Б.Умаров⁶, А.Очилдиев⁷ либерализм таълимотининг ғоявий-мафкуравий жиҳатларига асосий эътиборни қаратган бўлсалар, Т.Жўраев⁸ ва С.Акобировлар⁹ эса масаланинг сиёсий жиҳатларига алоҳида тўхталганлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, юқоридаги тадқиқотлар ва биз кўрсатиб ўтмаган бошқа илмий адабиётларда либерализм таълимотининг тарихий илдизлари ва унинг Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тараққиётида тутган ўрни алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмай балки яхлит таълимотлардан бири сифатида комплекс тадқиқ этилган. Ана шундан келиб чиқиб ва мавзунинг долзарблигини, уни алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганиш лозимлиги ва зарурлигини ҳисобга олиб масаланинг моҳиятини чуқурроқ ўрганиш учун мавзуга ҳам ижтимоий-фалсафий жиҳатдан, ҳам сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан ёндашилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Ҳозирги замон Сиёсатшунослиги, Ижтимоий фалсафа, Сиёсат фалсафаси, Миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти каби фанларда илгари сурилаётган либерал ғояларга оид, миллий ҳавфсизлик ва барқарорлик масалаларини мужассамлаштирган ғоялар, қоидалар тадқиқотнинг назарий-методологик асослари қилиб олинган. Шунингдек, Ўзбекистон тараққиётида ижтимоий ва миллий тараққиёт барқарорлигининг назарий-амалий асосларини тaminлаш ҳақидаги И.А.Каримовнинг илмий-назарий қарашлари¹⁰ тадқиқотнинг назарий-методологик асосини ташкил этди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. БМИда илгари сурилган илмий ғоялар ва чиқарилган назарий хулосалар миллий

² Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Т., 1998.

³ Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий-таҳлилий мақолалар тўплами). Т., 2003.

⁴ А.Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т., “Маънавият”. 2007. 142-б.

⁵ Эргашев. И. Тараққиёт фалсафаси. Т., 2000., Эргашев И., Шарипов В., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Т., 2002., Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т., 2004.

⁶ Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. Т., “Маънавият”, 2008.

⁷ Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., “Ўзбекистон”, 2004

⁸ Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст) —Т.:Академия, 2007 ; Замонавий халқаро муносабатлар —Т.:Академия, 2007.

⁹ Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик, —Т.:Академия, 2007.

¹⁰ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”. 2000, Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.,

“Маънавият”. 2008, Демократия – бош йўлимиз. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.,

“Ўзбекистон”, 1996, Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2005, Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т., “Ўзбекистон”, 2006.

суверенитетимиз ва миллий давлатчилигимизга бўлган ташқи таҳдидларни англаш, унинг келтириб чиқарувчи омилларни ва воситаларини билишда, шунингдек, фалсафа, ижтимоий фалсафа, сиётсатшунослик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Миллий ғоя фанларини ижтимоий барқарорлик, миллий ҳавфсизликка оид янги фикрлар, ёндашувлар ва тавсиялар билан бойитади, демократиялашувнинг ижтимоий муаммоларига оид илмий-назарий йўналишни такомиллашишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг объекти. Либерализмнинг моҳияти, уни тушуниш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар, либерализм таълимоти ғояларининг туб мақсад ва мазмун ҳамда моҳиятини очиб кўрсатиш ва мустақил Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий юксалишида мазкур ғояларни қўллаш БМИнинг таҳлил объекти сифатида кўринади.

Тадқиқотнинг предмети. Либерализмнинг таълимотининг инсоният тарихий тараққиётининг маҳсули эканлиги, шунингдек, миллий хусусиятлар билан ўзаро боғлиқлиги, либерализмнинг субъектив манфаатларга йўналтирилган кўриниши ва уни амалга оширишнинг усуллари, воситалари, манбаалари ва намоён бўлиш шакллари, либерализм ғояларининг тарғиб этиш билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадлар, шунингдек Ўзбекистонда либерал ғояларни тадбиқ этишда мавжуд бўлган шарт-шароитлар ва имкониятлар, унинг истиқболи каби тадқиқот объекти дирасидаги масалалар БМИнинг тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. БМИда ретроспектив, системалаш-институционал, функционал ва комплекс ёндашиш, анализ, синтез, таққослаш (қиёсий таҳлил) каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. БМИ 55 саҳифадан ташкил топган бўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЛИБЕРАЛИЗМ ТУШУНЧАСИ: МОҲИАТИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Либерализм таълимотининг тарихий-ғоявий илдизлари

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида ғарбий Европада капитализм қарор топди ва ривожланди. Саноатда юз берган кескин ўзгаришлар мануфактура ишлаб чиқаришнинг йирик машина индустрияси билан алмашув жараёнининг тезлаштирди. Бу жараён энг олдин Англияда, кейин Франция ва бошқа Европа мамлкатларида юз берди. Йирик саноат, савдо, алоқа воситаларини ривожланиши, умумжаҳон бозорининг вужудга келиши ва бошқалар капитализмнинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимига айланишини таъминлади.

Мана шу ўзгаришларга мос ҳолда сиёсий-ҳуқуқий тизим вужудга кела бошлади. XIX-асрнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг мустахкамланишига мос конституциялар қабул қилинди. Хусусий ва давлат ҳуқуқи тизими ташкил топди. Сиёсий партияларнинг ҳаракати фаоллашди. Конституционализм ва сиёсий ваколатчилик институтлари вужудга кела бошлади. Конституцион монархия ва республика шаклидаги замонавий ваколатли давлатлар пайдо бўла бошлади. Сиёсий ҳаётда эркинлик ва тараққиётга, қонунчиликка интилиш кўчайди. Ғарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум ўзинингмафкурасини либерализмда ифода қилди. Либерализмнинг асосий ғоялари: ҳар бир шахс қадр-қиммат ва эрк эгаси ва ўз ҳаракатлари учун масъулдир; шахс эркинлигининг зарурий шарти хусусий мулкдир; эркин бозор, эркин рақобат ва эркин тадбиркорлик, тенг имкониятлар; сиёсий соҳада-ҳокимиятлар бўлиниши, қонун устиворлиги, ҳуқуқий давлат ғояси, шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш; умумий сайлов ҳуқуқи ва бошқалар. Либерализм турли ижтимоий-тарихий ва миллий-маданий шароитларда шаклланди ва ривожланди. Унда турли хил бир-биридан фарқ қиладиган қирралар, босқичлар ва қарама-қаршиликлар борлигини кўриш мумкин. Турли даврларда у ҳар хил шаклларда намоён бўлди. Бу ҳолни ҳисобга олсак турли хил либерализм борлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Лекин либерализмнинг хиллари кўп бўлишидан қатъий назар унинг илдизлари, асосий ғоя, тамойил ва идеаллари умумийдир. Мана шу умумийлик либерализмнинг ижтимоий-сиёсий фикрнинг махсус тури сифатида намоён қилади. Либерализмнинг илдизлари уйғониш даврлари билан боғлиқ. Унинг бошланишида Ж. Локк, Ш.Л.Монтескье, И. Кант, Т. Джефферсон ва бошқалар тўрган эдилар.

Либерализмнинг шаклланишига маърифатпарварлик ҳаракатининг намоёндалари, немис классик фалсафаси вакиллари ҳам муҳим ҳисса қўшдилар. Юқорида кўрганимиздек, улар ўз қарашлари билан бир-биридан фарқ қилсаларда, уларнинг барчаси ўз даврининг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал қилишда эскириб қолган қадрият ва ёндашувларни, ўз самарадорлигини йўқотган ижтимоий-сиёсий ва давлат институтларини янгидан қуриш зарурлигини англаганлар.

Мана шундай ёндашув асосида классик либерализм меросий ҳокимият шакллари, табақавий имтиёзларни инкор қилади. Унинг вакиллари яқка

индивиднинг эрки ва табиий қобилиятларини биринчи ўринга қўйдилар. Ҳар бир одамнинг яшаш, эркинлик ва хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқлари ғояси замирида мана шу индивидуализм ётади.

Сиёсий ва гражданлик эркинликлар иқтисодий эркинликдан чиқарилди. Индивидуал эркинлик ғоясининг шаклланиши ва қарор топиши давлат ва шахс муносабатлари, давлатнинг индивид ишларига аралашуш чегаралари муаммоси аниқ ажралиб чиқа бошлади. Шу қоидалар асосида ҳуқуқий ва сиёсий концепциялар вужудга келди. Бу концепциялар ҳуқуқ ҳар бир индивиднинг қадр-қиммати ва эркинликни ҳимоя қилиш воситаси сифатида талқин қилинди.

Бу индивидуалистик идеал тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, янгиликка интилиш каби фазилатларни шаклланишига туртки бўлди.

Капитализмнинг ўзгарувчан тизим сифатида ривожланишида мана шу қадриятлар катта рол ўйнади. Либерализмнинг вакиллари инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги, мақсад ва манфаатларини амалга ошириш йўлида тенг имконият ва ҳуқуқларга эга бўлиш учун курашдилар. Либерализм инсон ҳаётининг янги ҳаракатчан кучларини очди. У Европага тадбиркорлик ва бизнес йўлидан ҳар қандай тўсқинларни улоқтириб ташлашни ўргатди. Эркинлик бўлмаган ерда тадбиркорлик ривожланмаслигини кўрсатди.

Либерализм ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида плюрализм принципи жорий қилинишининг талаб қилди. Ижтимоий соҳада турли синф, қатлам ва тоифалар, манфаатдор гуруҳлар эркинлиги; маданий соҳада турли хил маиший маданиятлар, сиёсий соҳада-сиёсий ҳаракатлар, партия ва жамоат ташкилотлари эркинлиги.

Либерализмнинг шахс эркинлиги талабаларидан ҳар ким хоҳлаганини қилиши мумкин деган хулоса чиқмайди. Шахс эркинлиги ғоясининг ажралмас иккинчи томони шахснинг жамият олдида маъсуллиги ғоясидир. Либерализм вакиллари умумий бахт-саодатнинг таъминлашда давлат ижобий рол ўйнаши мумкинлигини ҳам инкор қилмайди. Конституциявийлик, парламентаризм ва ҳуқуқий давлат қадрияти ва принципларини ишлаб чиқишда либерализмнинг роли катта бўлди.

Умуман олганда либерализм догматизм, схематизмга зид тафаккур тарзидир. Унда ўзгармас, бир хил меъёр ва қоидалар йўқ. Либерализм шароитнинг ўзгариши билан ўзгариб борди, унга мослашди. У ўз вазифасини ўтаб бўлган ижтимоий-сиёсий институт, меъёр ва қадриятларни қайта кўриб чиқиш, ҳатто уларни ўзгартиришдан ҳам кўрқмади. Либерализм вакилларининг кўпчилиги классик меросни ўзгарувчан шароитга мослаштириш билан банд бўлганлар.

Табиий ҳуқуқ назариясига катта ҳисса қўшган мутафаккирлар орасида Жон Локк (1632-1704) алоҳида ўрин эгаллайди. У сиёсий назария классикларидан бири ҳисобланади. Унинг давлат ва табиий ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари "Бошқарув ҳақида трактат" номли асарига ифодаланган. Бу асарни либерализмнинг библияси деб ҳам атайдилар.

Локк одамларнинг табиий ҳолатини тасвирлашда Гоббснинг ҳаммани ҳаммага қарши уруш ҳолати ҳақидаги фикрига қарама-қарши фикрини баён қилади. Унинг фикрича, табиий ҳолатда эркинлик ва тенглик ҳукм суради. Табиий эркинлик ҳеч қачон бегоналаштирилмайди. Локк мулкка эгаликни ҳам эркинлик каби одамнинг табиий ҳуқуқи деб ҳисоблайди¹¹.

Одамларнинг эркинлиги ва уларнинг мулки, дейди Локк, табиий ҳолатда ишончли муҳофаза қилинмайди. Умумий тенглик туфайли барча ўзини қирол деб тасаввур қилади. Бироқ, кўпчилик ҳамма вақт ҳам адолат талабларига риоя қилади деб бўлмайди. Бу ҳол ўз мулкига эгалик қилишни қийинлаштиради. Одамларнинг олмий мақсади ўз мулкани, табиий эркинлигини муҳофаза қилишдан иборатдир. Шу мақсадда улар ижтимоий шартнома асосида ўзларининг табиий эркинлиги, ҳаёти ва мулкани муҳофаза қилиш ҳуқуқини жамиятга топширадилар. Лекин табиий ҳуқуқнинг барчасидан воз кечилмайди. Индивид фақат ҳокимиятнинг сақланиши учун зарур бўлган миқдордагина табиий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди.

Қолган қисми инсоннинг ўзида дахлсиз қолади. Давлатнинг вазифаси дейди Локк, ўз тадбиркорларининг хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тартиб сақлашдан иборатдир. Лекин давлат савдо-сотик ва саноатни бошқариш ишларига аралашмаслиги лозим. Давлат индивидларга ижтимоий ва иқтисодий тенгликни эмас, балки ҳуқуқий тенгликни таъминлаши керак.

Мадомики, индивидлар ижтимоий шартномани маъқуллар эканлар, унда уларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг иродасига бўйсунishi лозим. Локк абсолютизмга қатъий қарши чиқади. У ҳукмдорлар ҳокимиятини чеклаш муаммоси билан жиддий шуғулланди, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини қўллаб-қувватлади. Локк қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва иттифоқ, (федератив) ҳокимиятларни ажратади. Улар битта орган қўлида бўлмаслиги керак. Суд ҳокимиятини Локк ижро этувчи ҳокимият ихтиёрига беради.

Локк ўзига замондош Англиядаги сиёсий шароитнинг назарий ҳимоячиси сифатида ижод қилди. Унинг таълимоти буржуа давлатчилиги принципларини асослашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у кейинги давр буржуа сиёсий таълимотлари ривожига катта таъсир кўрсатди.

Табиий ҳуқуқ назариясининг ривожланишига Голландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1670) ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий карашлари "Диний-сиёсий трактат", "Сиёсий трактат", "Этика" асарларида ўз ифодасини топган.

Спиноза давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, келиб чиқишини табиий зарурат нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилди. Унинг таълимотининг бошланғич нуқтаси табиий ҳуқуқ тушунчасидир. Унинг фикрича табиий ҳуқуқ бу дунёдаги барча нарсалар итоат қиладиган табиий қонунлар ёки коидалардир.

Табиий ҳуқуққа биноан инсон кучи етганича хоҳлаган нарсасини қилишга ҳақлидир. Лекин инсоннинг куч-қудрати, ўз жонини сақлаши ақлга

¹¹ Ф.Ҳамроев. Янги аср муаммолари. //Тафаккур. 2001., №1, 4 бет.

итоат қилиш билангина таъминланади. Ақл эса инсонни бошқа одамлар билан мулоқатда бўлишини буюради, чунки одам ҳаёт кечирishi учун зарур нарсаларни ёлғиз ўзи топишга қодир эмас. Одамнинг хавфсизлиги, унинг табиий ҳуқуқлари жамиятдагина таъминланиши мумкин. Жамиятдан ташқарида унинг куч-қудрати мадад олиш имкониятидан махрум. Натижада одам муқарар равишда бегона бир кучга бўйсунишга мужбур бўлади.

Шунинг учун одамлар табиий ҳолатдан гражданлик ҳолатига ўтадилар. Улар ўзларининг кучи ва табиий ҳуқуқларини бирлаштиради ва хавфсизликда яшаш учун давлат ҳокимиятини ўрнатадилар. Давлат билан бирга "умумий ҳуқуқ" ҳам пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ давлатга бирлашган барча одамларнинг куч-қудрати билан белгиланади. Алоҳида одамларнинг табиий ҳуқуқларининг бирлаштирилиши ва одамларнинг бир бутун бирикмаси ҳокимиятни ташкил қилади.

Спиноза таълимотига кўра табиий ҳолат давлатнинг пайдо бўлганидан кейин ҳам сақланади, бекор қилинмайди. Давлатда у фақат ўзгартирилади. Спиноза давлат ҳокимиятининг чегарасини аниқлаш, табиий ҳуқуқларнинг дахлсизлиги, қирол ҳокимиятини чеклаш масалаларини қўйди. Айниқса, дейди Спиноза, олий ҳокимият эркин фикрлаш ва виждон эркинлигини чекламаслиги керак¹².

Спиноза давлат шакллари ҳақида ўз фикрини баён қилиб, демократик давлат тизимини тарафдори эканлигини билдиради. Демократияда беъмани қонунларнинг чиқиб қолиш хавфи деярли йўқ, чунки кўпчилик беъманиликка йўл қўйиши мумкин эмас. Спиноза чекланмаган монархиянинг жиддий душмани эди. Унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти фикр ва виждон эркинлиги принципларини асослашга қаратилгандир.

Англиялик мутафаккир Томас Гоббс (1588-1679) томонидан давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги янги таълимотлар пайдо бўлди. Т. Гоббс давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назариясида, шахснинг табиатдаги ўрни билан боғлайди. Унинг фикрича «дастлаб инсонларнинг барчаси тенг, озод бўлиб, жисмоний ва рухий жихатдан тенг ҳуқуқли эдилар кейинчалик «инсон-инсонга душман» тарзида фикр хар бир кишида пайдо бўлиши туфайли, тенг ҳуқуқлилиқ принципи йўқолди».

Гоббснинг табиий ҳуқуқ назариясида «ҳуқуқ» (jus) ва «қонун»(lex) тушунчаларини алоҳида тушунтириб беради. Унинг фикрича “Ҳуқуқ”- бу эркинлик бўлиб, нимадир қилиш ёки нимадир қилмасликдир, “қонун” эса – нимадир қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги ўлчовдир”.

Т. Гоббс давлат бошқарувига тариф берар экан: “Мутлоқ ҳокимият тинчлик гарови ва табиий қонунларнинг муомалага киритишдир” дейди.

Давлат инсонлар томонидан “барчага қарши уруш” га чек қўйиш, тинчлик осойишта ҳаёт учун тузилган ташкилотдир.

Гоббснинг фикрича давлат формалари асосан уч хил кўринишда яъни монархия, демократия ва аристократия бўлиши мумкин. Давлат ўз фуқароларига озодлик ва эркин кафолатлаши керак. Т.Гоббс фикрича

¹² Б.Зокир. Ғарб ва Шарқ либерализми //Тафаккур. 2004 й. , №3.; 23 б.

монархия бошқарув услуги энг маъқул давлат бошқарув услубидир. У Б. Спинозанинг “подшо бу давлатдир” деган фикрига қўшилади.

1.2. И.Кантнинг либерализм таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг ижтимоий илдизлари Ғарбий Европанинг илғор ривожланган капиталистик мамлакатлардаги капитализмнинг ривожланиб боришига тақаларди.

Биринчи томондан эркин ракобатнинг гуллаб яшнаши, баъзи бир мамлакатларда буржуа ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенгайиб бориши Буржуа сиёсий ва ҳуқуқий мафкурадаги кучли либерал - индивидуалистик тенденцианинг ривожини такозо киларди ва либерализм уша даврнинг буржуа сиёсий - ҳуқуқий фикрида муҳим йўналишга айлана борди.

Иккинчи томондан, XIX аср охирига келиб Эркин ракобат монополиянинг ҳукмронлигига жой бўшатиб бера бошлади. Империализмнинг оёкка туриб олиши ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб кирди. Буржуазия ишчилар синфига ён босишга, қатор ижтимоий қонунчилик актларини қабул қилиш га мажбур булди. Халқнинг меҳнаткашлари мақбул ва яхшироқ тузм учун кураши Париж Коммунасида уз аксини топди. Буржуа давлати ўзининг ижтимоий - иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга киришди, ижтимоий ҳаётнинг турли жабхаларига фаолроқ аралаша бошлади. Буларнинг барчаси буржуа Сиёсий ва ҳуқуқий мафкурадаги консерватив, антидемократик ва реакцион тенденцияни кучайтиришга олиб келади, Либерализмнинг инқирози, зурлик култи этатизм, агрессив сиёсат, расизм, шовинизм ва эштизм ушбу тенденцианинг типик номён этилиши эди.

ЭТАТИЗМ - буржуа сиёсий фани тушунчаси бўлиб, бу тушунча давлатнинг мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига фаол аралашувини билдиради.

Зўрлик назарияси – идеалистик назария бўлиб, бу назарияга кура ижтимоий тенгсизлик бировларнинг бошқаларга зурлик қилиш и натижасида пайдо бўлган эмиш. Буржуа сиёсий мафкурасида реформизм ва ревизионизм оқимлар ҳам пайдо бўлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги буржуа сиёсий ҳуқуқий таълимотлар спекулятив- метофизик фалсафани сиқиб чиқарган позетив асосига таяниб, ривожлана борди.

Спекулятив фалсафа (ақл сотиш фалсафаси) – билимнинг ақл сотиш типига, яъни билимни тажрибага мурожаат қилмасдан рефлексия ёрдамига хулоса қилиб чиқаришга асосланган фалсафий системалар.

Позитивизм (лат. Positivus – ижобий) – конкрет (эмпирик) фанларни чинакам, Ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи деб билувчи фалсафадаги бир йўналиш бўлиб, фалсафий тадқиқотнинг билувчилик кимматини инкор этади. Позитивизмнинг пайдо бўлиши спекулятив фалсафанинг (немис кл. идеализмининг) фанларнинг ривожини илгари сўрган фалсафий муаммоларни

хал этишга этишга кодир эмаслигига узига хос жавоб эди. Позитивизм кейинчалик билимлар хосил қилиш воситаси сифатида назарий ақл юритишни буткул рад этди. Позитивизмнинг асосчиси Кант эди. Ва Кантнинг ўзи «позитивизм» терминини киритган эди.

Иммануил Кантнинг ҳуқуқий қарашлари табиий ҳуқуқ таълимотини мукамал тизимга солган мутафаккирлардан бири буюк немис файласуфи Иммануил Кант эди (1724-1804).

Либерализм таълимотининг асосчиларидан бири, буюк немис файласуфи И. Кант ҳам шахс индивидуал эркинлиги ғоясига тўхталиб, унинг давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан қафолатланишини уқтирган эди. XIX ва XX асрларда либерализм таълимоти замирида илгари сурилган кўплаб ёндашув ва концепциялар қайсидир жиҳатлари билан бири-бирдан фарқлансада, барчасида инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари, демократик анъана ва қадриятлар давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан мустаҳкамланиши тамойили устувор бўлиб келган.

Либерал анъаналар маданий-тарихий нуқтаи назардан иккига бўлинади: англо-саксон ва континентал анъаналари. Шунингдек Оврупо ўзи тарихан қарор топган турли шарт-шароитларда асосий ғояларнинг танлаб олиниши ҳамда долзарблигига қараб, неолиберал қуринишларга ҳам бўлинади¹³.

Бундай бўлиниш либерализмнинг қайсидир бир шакли ёки варианты амалий нуқтаи назардан эскириб, мақбул булмаётди, деган маънони англатмайди. Либерализм шакллари ва унинг ривожланиш босқичлари демократик ижтимоий онг тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Кант ўзининг "Соф ақлни танқид", "Амалий ақлни танқид", "Мулоҳаза лаёқатини танқид", асарлари билан фалсафа тарихида чуқур из қолдирган. Унинг сиёсий қарашлари "Ахлоқ метофизикаси асослари", "Боқий дунё сари" асарларида ўз аксини топган.

Кант фикрича, "табиатнинг олий мақсади-инсонда мужассамлашган табиат имкониятларининг барчасини ривожлантиришдан иборатдир". Инсониятнинг бу мақсадга мустақил эришишининг асосий шарт-адолатли фуқаровий жамият барпо этишдан иборатдир.

Кант назариясининг бошланғич нуқтаси индивиддир. Индивиднинг ўз-ўзидан кадр-қимматга эгаллиги ҳақидаги ғоя унинг сиёсий таълимотининг асосий ғоясидир. Индивид ахлоқий қонунлар яратиш ва бу қонунларга мос тарзда ҳаракат қилиш қобилиятига эгадир. Бу ҳол барчанинг принципаал жиҳатдан тенглигини билдиради. Ҳуқуқ ва сиёсий институтлар мана шу эрк ва тенгликни ҳимоя қилишга хизмат қилишлари керак. Кант учун индивид ҳуқуқларини поймол этиш ҳар доим ёмонликдир.

Ахлоқий ҳолатда яшаш учун индивидга зарур бўлган ҳуқуқлар бошқарувнинг конституцион қуллик ва тенгсизликни бекор қилишни, шунингдек урушларни таъқиқлашни талаб қилади. Мана шундай

¹³ Б.Зокир. Ғарб ва Шарқ либерализми //Тафаккур. 2004 й. , №3.; 25 б.

шароитдагина ҳар бир одам ўзига ўзи эгалик қилиши, ўзлигини англаши мумкин.

Кант ўзининг таълимотини яратганда инсоннинг ахлоқий мавжудод эканлигидан келиб чиқади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўз ахлоқий қонунининг ижодкоридир. Ҳар бир индивид ахлоқий жиҳатдан мустақил. Одамларда ахлоқий қанунларни белгилаш эрки бор ва улар шундай қилиш учун етарли ақлга эгадирлар.

Эркин ва оқил шахслар фақат ўзларигагина маъқул қонунларни ўрната олмасликларини тушунадилар, чунки улар ўзларидан бошқа тенг ҳуқуқлик индивидлар ҳам борлигини уларга восита ёки нарса сифатида қараш ярамаслигини биладилар. Инсон ўзига ҳам бошқаларга ҳам эркин, оқил, ўз мақсадларига интилувчи кишилар сифатида қараши керак. Шундагина у ўзининг ҳам, бошқаларни ҳам эркига зарар етказмайдиган ҳаракатларгина яхшилик эканлигини, индивид ҳуқуқларини паймол қилиш ёмонлик эканлигини англайди.

Оқибат-натижада Кантнинг қуйидаги қатъий императрозига дуч келамиз. Унинг талаби: "Сен ўз қиёфанг ёки, бошқа одам қиёфасидами инсониятга орзу, мақсад сифатида муносабатда бўл, ҳеч қачон унга восита сифатида қарама" ва ўзининг ҳам ўзгаларнинг ҳам, эркига зарар етказма. Қатъий императивнинг бу талабларига амал қилиш учун индивидлар "амалий, яхлит" талабларига эркин қулоқ солиш имкониятига эга бўлишлари керак. Шу нуқтаи назардан у абсолютизмни инкор қилади ва давлат бошқарувининг демократик шакллари асослайди. Кант ўзининг ҳуқуқ фалсафасида одамларнинг ҳамжиҳат яшашини таъминловчи умумий мезонини излайди. Мана шу мезон мавжуд ҳуқуқий тизим ва бошқарув шакллари сиёсий адолат талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини баҳолаш имконини беради. Давлатнинг фуқаролар эркига қонун доирасида аралашувининг чегараси каерда? Инсоннинг табиий эркинликларини тартибга солиш ва уни ажралмас ҳуқуқларига аралаштириш умуман қонунийми? Кантнинг ҳуқуқий фалсафаси мана шундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Кантнинг фикрича, фуқаролар ўзларининг мақсадларини ўзлари амалга оширгани учун қонуний ҳуқуқга эгадирлар. Нима бахт келтиришини уларнинг ўзлари танлайдилар. Бироқ бизнинг мақсад ва лойиҳаларимиз доим ҳам рационал эмас. Одамлар бир-бирлари билан далзорблашувлари мумкин. Бир индивид хатти-ҳаракатларидаги эркинлик бошқа бирининг ҳаракат эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин.

Бошқа одамлар эркига ҳалақит бермасдан энг кўп эркинликни қандай таъминлаш мумкин?-деган масала Кант учун муҳим муаммо эди. Кант ҳам эркин, ҳам биргалликда яшашни кафолатлаши мумкин бўлган универсал юридик таъмойилни топишга ўринади. "Ҳуқуқ бу эркининг умумий қонуни нуқтаи назаридан бир кишининг ихтиёрини бошқа киши ихтиёри билан мос келишини таъминловчи шароитлар йиғиндиси¹⁴". Бошқача айтганда,

¹⁴ Б.Зокир. Ғарб ва Шарқ либерализми // Тафаккур. 2004 й. , №4.; 16 б.

хуқуқ бир одамнинг эркин танловини бошқа одамларнинг эркин танлови билан мос келиши учун шароит яратувчи воситадир.

Кантнинг фикри шундан иборатки, умумий таъмойилга кўра шахснинг чекланмаган ҳаракат эркинлиги бошқаларнинг худди шундай эркинлиги билан мос келадиган даражагача чекланиши керак. Амалдаги қонун ҳам худди шу тарзда ҳар бир кишининг ҳаракат эркинлигини чеклайди. Турли хил мақсадларга эга бўлган одамларнинг тинч-тотув яшаш шарти мана шундан иборат» Эркиннинг шундай чекланиши эркинликларни кўпроқ таъминлайди, энг аввало, низоларни адолатли тарзда тартибга солиш имконини яратади.

Қонунларнинг умумаҳамиятлилиги мезони Кант фуқароларнинг ўзлари киритган қонунлар билан боғлайди. Амалда қонун чиқарувчилар шундай қонунлар қабул қилишга ҳаракат қилишлари керакки, уни барча фуқаролар кўллаб-қувватласин. Қонунлар легизимлигининг бош мезони ана шунда. Шу мезонга мос келган қонунларгина фуқаролар орасидаги муносабатларни тартибга солиш учун яроқлидир. Кант амалдорларнинг имтиёзлари, крепостнойлик, деспотизм ва тан жазолари каби ҳодисаларни шу нуқтаи назардан қоралайди. Унинг айтишича бундай институт ва ҳаракатлар ҳуқуқнинг универсал таъмойилларига зиддир. Кант либерализм руҳидаги демократик ислохатлар ғоясининг ёрқин ифодачиси эди.

Кант инсон ҳуқуқлари масаласини умумий таъмойил сифатида қўйган энг биринчи сиёсий матафаккирлардан ҳисобланади. Ҳар бир инсон, дейди Кант, туғма ва табиий ҳуқуқларга эгадир. Бу ҳуқуқлар ҳуқуқнинг рационал тушунчасига мос келади. Умумий қонунга кўра, ҳар бир одам бошқа ҳар қандай одамнинг ҳаракат эркинлиги билан мос келадиган даражадаги ҳаракат эркинлигига эга. Инсон ҳуқуқларига ҳақиқий қафолат бериш учун бошқа одамларни эркинликларини паймол қилаётган шахс ва институтлар фаолиятига баъзан аралашиб туришга тўғри келади. Демак, инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда давлат аралашиб учун қонуний ҳуқуқга эга.

Кант халқаро муносабатлардаги келишмовчиликлар, низолар, қонунбузарлик каби ҳолатларни инсонларга ярашмайдиган ва нолайиқ ҳаракат деб баҳолайди. Унинг фикрига кўра низоларни тартибга солиш учун қўйидаги адолат тамойилларига амал қилиш лозим: "бирорта мустақил давлат бошқа давлат томонидан ва мерос тарзида, на айирбош, на савдо, на совға йўли билан ўзлаштирилиши мумкин эмас".

Кант қонунлар халқнинг иродасини ифодалаши керак деб чиққан бўлсада, у барча фуқаролар учун тенг сайлов ҳуқуқи бериш тарафдори эмас эди. Хотин-қизлар, моддий ва ижтимоий жихатдан "мустақил" бўлмаган (вақтли ишчилар, хизматчилар ва хоқозолар)ни Кант бундай ҳуқуқлардан маҳрум деб ҳисоблайди. Кант маърифатчиликнинг фарзанди эди.

У шахснинг маърифати ва мустақиллиги учун курашади. Кант учун маърифат индивид ақлининг оммавий қўлланишидир. Одамлар ўзгалар билан ҳамжамиятда фикр юритар экан, маърифатли ва мустақил бўлиб борадилар.

Мунозара юритаётган хусусий шахсларнинг бундай ҳамжамиятига фақат ақлли одамларгина аъзо бўлиши мумкин. Кант назарида, биргаликда

муҳокама юритиш мулкка эга бўлган эркин фуқароларгагина хос. Иш ҳаққи олаётганлар эса, жамиятнинг тўла қонли аъзолари бўла олмайдилар. Бироқ, қаттиқ меҳнат ва омад туфайли келажақда улар ҳам жамият аъзолари бўлиши мумкин. Кант фикрига кўра, моддий жиҳатдан мустақил бўлган фуқароларгина маданий, китобсевар ва мунозара юритувчи оммани ташкил қиладилар. уларгина ақлдан оммавий фойдаланишлари мумкин.

Шундай қилиб, ақлга эга индивидлар иштирокидаги эркин мунозаралар ҳақиқатнинг аста-секин равшанлашига ёрдам беради. Тарих шу тарзда пайдо бўлаётган муаммоларни очиқ муҳокама қилиш ва ўзаро эркин фикр алмашиш имкониятини берадиган маърифатли ҳамжамият қуриш орқали ҳақиқатга яқинлашиш масаласини ҳал қилади.

Кант сиёсат ва рационалликни бирлаштирмоқчи бўлди. Бир томондан, рационаллик рўёбга чиқиши учун муайян сиёсий шарт-шароит талаб қилинади, иккинчи томондан эса, рационаллик маърифатли сиёсат юритишнинг муҳим шартидир¹⁵.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, либерал сиёсий доктринани замонавийлаштириш зарурияти пайдо бўлди. Классик либерализм асосида вужудга келган ва ўтган асрнинг 50-60 йилларидан кейинги ривожланишни бошидан кечирган неолиберализм ҳозирда кучли мафкуравий оқим ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, шахсий мулк, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, жамият манфаатларини амалга оширишда нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳаларда давлатнинг ҳам ролини ҳисобга олиш зарур.

Давлатнинг ижтимоий функцияларини ва унинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларига аралаштириш чегарасини кенгайтириш тўғрисидаги тезис неолиберализмга асос бўлган. Сиёсий тизимнинг энг муҳим қадриятлари сифатида адолат, давлатнинг ҳуқуқий чеклаши, ҳукуматнинг маънавий қадриятлар ва принципларга йўналиши, сиёсий жараёнда оммаларнинг иштирок этиши, элиталар рақобати тан олинган.

II боб. ҒАРБ ВА ШАРҚ ЛИБЕРАЛИЗМИ: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ.

2.1. Ғарб олами мумтоз либерал таълимотининг устувор мақсадлари

¹⁵ М. Шодмонқулов Янги давр либерал ғояларнинг ривожини. //Жамият ва бошқарув 2010 й.№2.46 б.

Эркинлик масаласида ундан ўзга маъно
излаган одам кул бўлишга маҳкумдир.

Алексис де Токвиль

Барча либерал ғоя ва тамойиллар чуқур тарихий-фалсафий илдизга эга. Либерал фалсафанинг хар бир йуналиши узок йиллар давомида куплаб баҳс-мунозараларга сабаб булган. Шу боис либерализм ҳаётга татбиқ этилар экан, бутун бир дунёқараш манбаига айланган, Ғарб цивилизациясининг гуллаб-яшнашига асос бўлган.

Кейинги 1520 йил мобайнида либерал демократик кадриятларга таянган давлат ва жамият курилиши назарияси ҳам, амалиёти ҳам америкалик файласуф, тарихчи ҳамда сиёсатшунослар ўртасида кескин баҳс-мунозарага сабаб булиб келмоқда. Бугун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий кадриятларигина эмас, либерализм таълимотининг таникли намояндалари ва назариётчиларининг қарашлари ҳам аёвсиз танқид килинмоқда. Масалан, америкалик тадқиқотчи Р.Александро замонавий либерализм етакчиларидан бири — Ж.Ролзни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қутблашуви жараёнини назарий жиҳатдан асослаб берувчи концепциясини кескин танқид қилади. Унинг фикрича, бу назария аҳоли айрим қатламларининг бойиб кетишини қафолатлайди ва кам таъминланган кишиларга мўлжалланган ўзига хос "сиёсий пора" сифатида хизмат қилади.

Америка либерализмининг бугунги ҳолатини тахлил этишдан олдин унинг XX аср иккинчи ярмида АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни масаласига бир оз ойдинлик киритиш лозим.

Бу даврда либерализм таълимоти ва амалиёти тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя этиш билан чекланмасдан, маълум даражада, америка жамиятининг барча гуруҳ ва қатламлари, умуман, бутун миллат манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган эди. Мазкур стратегия доирасида асосий эътибор, биринчидан, америка иқтисодиётининг ўсиш суръатлари юқори даражаси ва барқарорлигини таъминлаш; иккинчидан, АҚШнинг дунё иқтисодиётида тутган мавқеини янада мустаҳкамлаш; учинчидан, мамлакатда ижтимоий ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган эди. Бир-бирини тўлдирувчи ушбу стратегик мақсадлар 50—60 йиллар америка либерализми ташқи ва ички сиёсати мазмун-моҳиятини акс эттиради. Мумтоз либерализмнинг жамият ҳаётини эркинлаштириш ғоясига таянган ҳолда иқтисодий эркинлик иқтисодий ўсиш ва ривожланиш бу сиёсатнинг бош мақсадига айланади. Эътиборли жиҳати шундаки, либерализм назариётчилари XX асрнинг 30 йилларида иқтисодиёт илмида туб бурилиш ясаган, мамлакатнинг Буюк инқироз давридан чиқишига ҳисса қўшган инглиз олими Жон Мэй Нрд Кейнс (1883 — 1946) меросига мурожаат қилиб, унинг қарашлари АҚШ иқтисодиётининг юксалишигагина эмас, сиёсий барқарорлигига ҳам хизмат қилажagini эътироф этади.

Гап шундаки, Кейнс аксарият олимлардан фарқли ўлароқ, иқтисодиёт узини узи бошқарадиган тизим эмаслигини, иқтисодий узиш суръатлари пасайган, ишсизлик купайган, миллий валюта кадрсиз ланган лолларда

давлат ушбу жараёнларга зудлик билан аралашиши ҳамда тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқиши лозимлигини асослаб берган. Дархақиқат, 60йилларнинг охирига келиб мамлакатни бошқарган либерал ҳукумат Кейнс усулларини куллаган ҳолда иқтисодий усиш суръатларининг бир маромда сақланиб туриши, ишсизлик миллий валютанинг қадрсизланиши даражасини назорат этиш га эришади. Аммо 70—80 йилларда вазият яна издан чиқиши: иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди, ишсизлар сони ортади, пул қадрсизланади. Маълум даражада бу жараён тулҳинсимон шаклда бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бу ҳолни аксарият мутахассислар либерализм таълимотининг инқирози билан боғламоқда. Масалан, Д. Маклин ва К. Миллзнинг таъкидлашича, либерализмнинг қайси жиҳатини таҳдил этманг, у ҳам сиёсий назария, ҳам тарихий анъана, ҳам давлат қурилишининг фалсафий тизими сифатида жиддий баҳс мунозарага сабаб бўлмоқда. Бугун мамлакат сиёсий сахнасида узини либерал ёки неолиберал деб атаётган демократлар, консерватор ёки неоконсерватор деб номлаган республикачиларнинг "қалати коалицияси" кўзга ташланади. Консерваторлар давлатнинг черков ва оила ҳаётига аралашувини ёқлаб чиқаётган бўлса, неоконсерваторлар ҳукуматнинг фуқаролар шахсий ҳаёти ва корпорациялар фаолиятига аралашувига қарши чиқмоқда. Либерал демократлар чексиз фуқаровий эркинликлар тарафдори бўлса, неолибераллар маъмурий тизимнинг фуқаролар ҳаётига аралашуви, даромадларни тақсимлашда иштирок этиши, хусусий сармояларни назорат қилишда бевосита қатнашуви гоёсини илгари сурмоқда¹⁶.

Хуш, бундай бир-бирига зид ёндашувларнинг боиси нимада?

Бундай қарашлар либерализм доктринаси замирида пайдо бўлган, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги бошқариш жараёнида узини кўрсатаётган этатик ва аксилэтатик ҳамда тамойил, услуб ва технологияларнинг кулланиши билан изоҳланади.

"Этатизм" ибораси (французча "etate") давлатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашувини, "аксилэтатизм" тушунчаси эса, аксинча, маъмурий тизимнинг иқтисодий ва ижтимоийсиёсий соҳаларга таъсири чекланганини англатади.

Аввал таъкидланганидек либерализм таълимоти Уйғониш ва Ислохотчилик даврининг кишиларнинг бирбирига узаро боғлиқлиги, барча муаммоларнинг баҳамжихат ва ҳамкорлик воситасида ҳал этилиши, савдо, рақобат ва тадбиркорлик эркинлиги каби гоёлари билан озиклангани боис давлат ҳам бу жараёндан четда турмаслиги, у жамиятни бошқаришга оид муайян вазифаларни зиммасига олиши лозимлигини тақозо этади. Мумтоз либерализм талқинидаги демократия ҳам Адам Смитнинг эркин бозор муносабатлари ҳамда фаолият эркинлиги тамойилларининг сиёсийлашган шакли сифатида намоён бўлади. Демак либерализмда азалдан давлатнинг жамиятга нисбатан муносабатига ҳар хил ёндашувларни мужассамлаштирган турли йўналиш ва оқимлар мавжуд бўлган.

¹⁶ М. Шодмонқулов Янги давр либерал гоёларнинг ривожини. Жамият ва бошқарув. 2010 й., №2., 47 б.

Либерализм таълимоти негизда вужудга келган "плюрализм", "социалистлар гильдияси" ҳамда "синдикалистлар" америка жамияти мафкурасининг шаклланиши ва фуқаролар дунёқарашига жиддий таъсир этиб келаётган гоъвийсиёсий ва фалсафий оқимлардан са налади. Бир вақтлар америкалик назарийчилардан бири Т. Пейн "Давлат бу — ёвузлик тимсоли. Шундай экан, жамият ҳаётига унинг аралашуви имкон қадар чекланмоғи лозим" деганда аксарият америкаликларнинг кўнглига ва дунёқарашига мос мулоҳазани уртага сурган эди. Чунки индивидуалистик (худпарастлик) руҳи қонқонига сингиб кетган бу мамлакат кишилари чиндан ҳам давлат фақат эркин савдо алоқалари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, мулк даҳлсизлиги, жамоаттар тибини назорат қилиш, шунингдек халқни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя этиш билан чекланмоғи лозим деб ҳисоблайди.

Бояги оқимларнинг учаласи ҳам давлат, жамият ва шахс муносабатларида бундай қарашларни назарий жиҳатдан асослайди. Г. Ласки, А. Линдсей, Э. Баркер, Ж. Фиггис каби плюрализм оқими вакилларининг таъкидлашича, жамият тараққиёти жараёнида индивидуализм негизига қурилган "шахс — давлат" муносабатлари "гуруҳ (ёки уюшма) — давлат" муносабатлари билан урин алмашади. Шахс ҳам гуруҳга, ҳам давлатга бўйсунар экан, у ҳолда пайдо буладиган низо ва зиддиятларни ҳал этишда давлат қандай урин тутиши лозим? Плюралистлар назарида, бундай вазиятларда давлат узига хос ҳакамлик вазифасини ўташи, аммо гуруҳ ёки уюшмалар фаолиятини бошқа ришга ҳамда фуқароларнинг садокатига асло даъво қилмаслиги даркор. Акс ҳолда гуруҳлараро зиддиятларни ҳал этиш, уюшма аъзоларини раҳбариятнинг ноқонуний хаттиҳаракатидан ҳимоя қилиш масаласи жумбоққа айланиб қолади¹⁷.

Социалистлар гильдияси (ўрта асрларда савдогарлар бирлашмаси) ҳокимият ва саноатдаги бошқарув вазифасини уюшган истеъ молчилар вакили — давлат ҳамда қасаба уюшмаларига бирлашган ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлишни таклиф этади. Уларнинг фикрича, саноат соҳасида қонунчилик ҳокимиятини бир хил ҳуқуқларга эга булган икки парламент: бири — давлатнинг, иккинчиси — ишлаб чиқарувчиларнинг вакили сифатида амалга ошириши керак. Бу каби ҳолларда давлатнинг сиёсий вазифалари сақланиб қолди, аммо унинг иқтисодий назорат функциялари жузъий равишда қисқариши назарда тутилади. Синдикалистлар боилқариш ва назорат этиш ижтимоий институтлари сифатида ишлаб чиқариш ва касб бўйича бирлашган уюшмалар ташкил этиш, давлат зиммасига эса, умумий сиёсатни қонуний асосда юритиш ҳамда мувофиқлаштириш вазифасини юклаш ғоясини илгари суради.

Бу мулоҳазалардан кўринадики, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга аралашувини чеклаш тарафдори булган ҳар уч оқим аслида давлат ҳокимияти ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя этилишида маъмурий тизимнинг кўмагига эҳтиёж сезаётган уюшма ва ташкилотларнинг яқин ҳамкорлик қилиши мумкинлигини инкор этмайди.

¹⁷ М. Шодмонқулов Янги давр либерал ғояларнинг ривожини // Жамият ва бошқарув 2010 й. №2.48 б.

Чунончи, плюралистларнинг назарида, фавқулодда вазиятларда (инқироз, уруш, табиий фалокат ва ҳоказолар) давлат бошқаруви ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим. Бу оқим етакчиларидан бири Ж. П. Бонкур давлат ҳокимиятини мамлакатдаги барча миллатлар манфаатини ҳимоя этувчи яккаю ягона куч ва умуммиллий бирдамлик тимсоли сифатида баҳолаб, унинг оддий фуқарони иш берувчи ёки уюшмалар тазйиқидан ҳимоя этиш вазифасига ҳам алоҳида урғу беради. Аммо, барибир, бундай ёндашувлар бир қадар чеклангани, жамиятда руй бераётган узгаришларни тўлиқ камрай олмаслиги, мамлакат истиқболини назарий жиҳатдан асослаб бера билмаслиги намоён була бошлади.

Ғоявий инқироз 70- йиллардаги президент сайловларида либералларнинг кетма-кет мағлубияти ва ҳокимият тепасига консерватив кучларнинг келишига сабаб булди.

Хуллас, 80-йиллар бошида мумтоз либерализмнинг ғоявий-назарий платформаси, илгари сурган ғоя ва ёндашувлари тараққиётнинг янги босқичи — постиндустриализм, замонавий ахборот ва электрон технологиялар талаб эҳтиёжларидан ортда бораётгани аён булади.

Таниқли олим Роберт Рейч америка жамиятида ислохотлар за руратини вақтида англамаслик фуқаролик ва тадбиркорлик мада ниятининг азалдан бирбирига қарамақарши қўйилиши билан узвий борлиқ эканини таъкидлайди. Фуқаролик маданияти давлат ҳокимияти сиёсатига тааллуқли институтлар, ижтимоий адолат, барча учун тенг имкониятлар, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий таъминотни ўз ичига қамраб олади. Тадбиркорлик маданияти деганда эса, ишлаб чиқариш усиши ва самарадорлиги, аҳоли бандлиги, молия, савдо-сотик каби масалалар тушунилади. Либерал демократлар — фуқаролик маданиятига, республикачи ва консерваторлар эса — тадбиркорлик қадриятларига таяниши камида икки асрлик анъанага айланиб қилган эди. Шу боис америкаликлар икки хил қадриятдан бирини: ижтимоий адолат ёки фаровонлик ҳукумат ёки эркин бозор, технологик тараққиёт ёки иш ўринлари, жамоавийлик ёки шахсий эркинликни танлашга мажбур эди. Кўплаб файласуф ва сиёсатшунослар бундай ёндашувлар воқеликдан йироқ эканини таъкидлаб, аслида, 80-йиллар бошида Америка олдида турган бош масала — мамлакат бундан буён ҳам узгараётган дунёдан юз угириши керакми ёки халқаро майдонда вужудга келган янги вазиятга мослашиши лозимми, деган саволга жавоб излаши шарт дея таъкидлайди¹⁸.

Масаланинг кун тартибига бу тарзда қўйилишининг сабаблари бор эди, албатта. Чунки Рарбий Германия, Франция, Швеция каби мамлакатларнинг, айниқса, Япониянинг иқтисодий усиш суръатлари, технологик тараққиёт борасида деярли АҚШ даражасига етиб олгани, корхоналарда бошқарув тизимининг такомиллашуви, хусусан, маҳсулот таннархи ва сифати буйича ҳдтто илгарилаб кетгани америкалик мутахассислар орасида жиддий ташвиш уйготган эди. Жумладан, Америка ва Япония трансмиллий корпорацияларини қиёс лаган мутахассислар ҳам, америка ишбилармон

¹⁸ Б.Умаров Инглиз мутафаккирлари таълимотида эркинлик ғоялари // Жамият ва бошқарув 2010 й.№2.42 б

доиралари ҳам япон корхоналарининг афзаллигини тан олишга мажбур булди. Чунончи, АКШдаги йирик корпорация рақбаридан "Яқин ўн йигирма йилда қандай масала мамлакат бизнеси учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин?" деб сурашганда, у бундай жавоб қилган: "Энг муҳими — технология, молиялаштириш, иқтисодий бошқарув ёки пул нинг кадрсизланиши эмас, ишлаб чиқаришнинг японча усули биз қўллаётган ёндашувлардан самаралироқ экани билан боғлиқ масаладир"¹⁹

Дарқақиқат, 70 йилларнинг бошидан оқ япон корпорациялари мамлакат миллий манфаатларини кузлаб, куп меҳнат талаб этувчи ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида жойлаштиришга, мамлакахнинг узидаги ишчи кучи ва меҳнат захирасини давлатнинг фаол хдмда изчил кумаги билан меҳнат ҳақи юқори бўлган янги илмий-технологик соқаларга йуналтиришга интилди. Бундай сиёсатнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, у ривожланаётган давлатлар бозори Япония иқтисодиётига мустаҳкам ришталар билан боғланади; иккинчидан, мамлакатнинг илмий-техникавий ҳамда технологик тараққиётига қўшимча шарт-шароит ва имкониятлар яратади.

Биз бу ҳақда кейинроқ батафсил тухталамиз. Бу уринда шуни таъкидпаш жоизки, америка корпорациялари япон корхоналаридан фаркли улароқ, ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолияти мамлакатдаги меҳнат захираси ҳолатига ва турмуш даражасига қандай таъсир этишини эмас, аввало, хусусий корпоратив манфаатларни кузлайди.

Ана шундай вазиятда мамлакат сиёсат майдонида демократик куч ларнинг янги авлоди — неолибераллар оқими пайдо булади. Сенаторлар Г. Харт, Б. Брэдли, А. Гор (кичиги), М. Бокэс, К Додд, кон гресменлар Р. Гепхардт, Т. Уирт, Ж. Флорио ва бошқалар, шунинг деқ Массачусетс Технология институти профессори И. Туроу, Гарвард университети профессори Р. Рейч мумтоз либерализмнинг давр синовидан утган меросига таянган ҳолда жамият тараққиётининг янги босқичига мос концепцияни яратишга киришади.

Неолибералларнинг ушбу концепциясида индустриал давр ишлаб чиқаришидан замонавий электрон ва ахборот технологияларига таянган иқтисодиётга утиш негизида мамлакат тараққиётини янги бос қичга кутариш масаласи назарий асосланади. Унда даромадпар тақсимоти, таълим тизимини ривожлантириш каби анъанавий гоюлардан ташқари либераллар ҳеч қачон илгари сурмаган янгича тамойиллар, хусусан, табиий захираларни асрабавайлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг самарали усулларини жорий этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни юксак технологиялар соқасига жалб этиш масалалари муҳим урин тутуди. Неолибераллар назарида, замонавий электрон ва ахборот технологиялари ҳам, таълим ва касбга тайёрлаш тизими ҳам инсоннинг ботиний имкониятларини руёбга чиқаришга ва пировард натижада мамлакатнинг иқтисодий тарақ қиётига хизмат

¹⁹ В. Цветов. Пятнадцатый камень сада Рёандзи. Хабаровск 1990, 11бет.

килмоги лозим. Бундан ташқари, неолиберализм ва килларининг фикрича, замонавий технологияларнинг жадал ривож ланиши бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, шунинг дек урушдан кейин пайдо булган, бир вақтлар америкалик социолог Д. Рисмен жиддий тадқиқ этган кишиларнинг жамиятдан ётлашуви, "ёлгизлашган авлод" феноменини "миллат яхлитлиги" туйғуси сиқиб чиқаришига умид боғлаш мумкин. Бунга эришиш учун улар мамлакатнинг саноат корхоналари зич жойлашган худудларида узига хос "ахборот архипелаглари"ни барпо этиш гоёсини илгари сура ди. Уммондаги ҳақиқий архипелаглар сингари бундай ахборот архипелаглари алоҳидаалоҳида оролчалар — яъни илгор технология асосида фаолият юритадиган корхоналар, ақолига хизмат курсатиш фирмалари, маданий қордиқ чиқариш муассасалари, саноатнинг барча соҳалари учун мутахассис тайёрлаб берадиган техника укув юрт лари ва ниқоят "архипелаг"нинг узаги ҳамда илмийназарий неги зини ташкил этадиган университетдан иборат яхлит тизимни таш кил этиши лозим.

Бу ёндашувда 50—60йиллардаги либерал карашларга зид бир жиқатни пайкаш қийин эмас. Уша давр либерализми шахс ривожуи учун зарур барча шартшароитларни яратиш, жамиятда ижтимоий сиёсий тенглик ва баркарорликни таъминлаш мақсадида таълим ва касбга тайёрлаш тизимида ижтимоийгуманитар ёндашув устуворлигини ёклаб чиққан. Неолибераллар эса бундай карашлардан воз кечиб, барча саъйқаракатлар мамлакат иқтисодий тараққиёти, иқтисодий усиш омилларига йуналтирилмоги керак дея таъкидламоқда. Масалан, таниқди неолибераллардан бири Р. Ротенберг фикрича, "Илгариги замонларда демократлар куллабқувватлаган ва татбиқ этишга интилган таълимтарбиянинг ижтимоий йуналтирилган дас турлари урнини "инсон капиталига" соғлом ёндашув сиёсати эгаллаши лозим"²⁰

Дарҳақиқат, амалиётга изчил татбиқ этила бошлаган бу сиёсат ХХ аср охирига келиб мамлакат иқтисодий кудратининг мустаҳкамлани ши, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш соқасида (авто мобилсозлик электроника, ахборот ва компьютер воситалари ва ҳоказолар) етакчи урин эгаллаши, бир суз билан айтганда, ута кудратли ягона давлатга айланишига замин яратади.

ХХІ асрнинг бошида дунё микёсида яратилган замонавий техника ва технологияларнинг 35,8 фоизи АҚШ зиммасига тугри келади (бу кўрсаткич Японияда — 17,6, Германияда — 6,6, Буюк Британия да — 5,7, Францияда — 5,1, Хитойда — 1,6 фоизни ташкил этади). Табиийки, бундай кудратга эга булган мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, етакчи омилига айланди. Америкалик футуролог Х. Макрэй бундан буён Американинг барча соҳалардаги интеллектуал устунлиги сақланиб килиши, унинг маданияти, гоёлари ва тили бутун дунё буйлаб тарғиб этилишига ҳеч қандай тусиқ йўқлигини таъкидлайди.

²⁰ Р. Ротенберг. Неолибералы: формирование новой американской политики. //, 1984, 87 бет

Аммо неолибералларнинг жамият ва инсон тақдирига фақат технологик техникавий нуқтаи назардан ёндашуви бир канча мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавийахлокий муаммоларни келтириб чиқараётганидан ҳам куз юмиб бўлмайди. Бу ҳол дунёдаги куплаб каттаю кичик мутараккий ва ривожланаётган мамлакатлар уртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви, айрим кучли давлатлар кадриятларнинг бир хиллашуви борасида олиб бораётган глобал сиёсат миллий кадриятлари ва узоқлигини саклаб қолишга интиляётган халклар манфаатларига мос келмаётганида айниқса яққол намоён бўлади.

Дунёда либерализм таълимотининг эзгу ғояларига таяниб ана шундай муаммо ва зиддиятларни бартараф этаётган, юртининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти, жамият фаровонлигини таъминлаб, замонавий юксак технологияларни неча аерлик миллий анъана ва кадриятлари билан уйғунлаштира олган давлатлар ҳам йўқ эмас.

Либерал сиёсий тузум: Ҳар бир шахснинг манфаати ва озодлигини кўзлайди. АҚШда кўпроқ либерал демократия юзага келган. Кўринишлари: 1) қонунчилик кам ишланган; 2) давлат бошлиғи ваколати: амалда чекланмаган; 3) ҳокимият вакиллик органи: кўғирчоқ ҳукумат; 4) ҳокимият бўлиниш принципи: расмий эътироф этилади; 5) маҳаллий ҳокимият органи ваколати: паст даражада; 6) партиялари: етакчиси давлат хизматида; 7) мафқураси: фикрлар хилма-хиллиги паст даражада; 8) ҳуқуқ ва эркинликлари: чекланган; 9) жазолаш органлари: паст; 10) муҳолифатга: қисман руҳсат берилади.

Мумтоз либерал демократия модели: икки муҳим соҳани – давлат ва фуқаролик жамиятини бир-биридан ажратади (XIX–XX аср бошларида). Белгилари: 1) ҳокимият манбаи бўлган халқ қаторига мулкдор эркакларгина (қуйи табақа, аёлларсиз) киритилган. 2) Индивидуаллик, шахсни ҳокимиятнинг бирламчи ва бош манбаи, деб билиши кўзга ташланади.

Либерал назария ҳам сиёсий элита назарияларидан биридир. Бу назарияда (Р. Миллс, М. Милбанд ва бош.) сиёсий элитанинг хилма-хил кўринишлари ва турлари ҳақида фикр юритилиб, уларни ўзаро фарқлашга ҳаракат қилинади. Масалан, Р. Миллс сиёсий элитани жамиятдаги мавқеига кўра, 3 турга бўлиб кўрсатади: 1) сиёсий ҳокимиятнинг марказий идораларида хизмат қилувчилар; 2) сиёсий ҳокимиятнинг ўрта поғонасида хизмат қилувчилар; 3) сиёсий ҳокимиятнинг қуйи поғоналарида хизмат қилувчи бошқарувчилардир.

Либерал назарияда иқтисодий элита билан сиёсий элита ҳам фарқ қилади. Иқтисодий элитага завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк тизимларида раҳбарлик қилувчи кишилар, сиёсий элитага эса сиёсий ҳокимиятларнинг турли бўғинларида банд бўлган кишилар киритилади.

Хулоса қилиб айтганда, либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий кадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олиши каби принциплар ташкил этади. Бу мафқура парламент тузумининг, муҳим сиёсий

муаммоларни ҳал этишда мурсаю-мадора, келишувнинг тарафдоридир. У давлатнинг ўсиб кетган иқтисодий ва социал функцияларига салбий муносабатдадир.

2.2.Шарқ либерализмининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари.

Мушук оқ бўладими, қора бўладими
— бунинг нима фарқи бор, сичқонни
тутса бўлди-да.
Дэн-Сяопин

Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимий ёдгорлик бўлмиш “Авесто”да кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши каби ғоялар олдинга сурилган. Абу Наср Форобийнинг асарларида, хусусан, унинг “Фозил одамлар шахри” асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ёзишича, фозиллар шахрининг бошлиғи табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши, хусусан, “у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур”²¹. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Амир Темур каби буюк шарқ донишмандлари томонидан ҳам илгари сурилган.

Сўнгги қирқ-эллик йиллик тараққиёти мобайнида либерал демократиянинг турли шакллари пайдо бўлди. Уларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бири — инеон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини маъмурий тизим тазйиқидан ҳимоя этадиган ғарбона либерал демократия шакли; иккинчиси — шахс ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этмаган ҳолда, унинг фаолиятини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришга қаратилган японча ёки кенгроқ олганда, шарқона либерал демократия модели.

Биз юқорида либерализмнинг ғарбона, аниқроғи, американча моделининг мазмун-моҳияти, муаммо ва зиддиятлари тўғрисида фикр юритган эдик. Бу гал Хитой ва Япония сингари мамлакатларда либерал ғоя ва қарашларнинг тарқалиши, демократик кадриятларнинг ривожланиши ҳақида тўхталмоқчимиз.

Хитойда, марксизмнинг таъсири ҳамон кучли бўлса-да, XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан либерализм ижтимоий, айниқса, иқтисодий ҳаётда яққол кўзга ташлана бошлади. 70-йилларнинг охирида Хитой ислохотларининг "отаси" Дэн-Сяопин раҳбарлигида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар ва ошкоралик сиёсати туфайли мамлакатга марксизм ақидаларига зид таълимотлар, жумладан, либерал ғоя ва қарашлар кириб кела бошлади. Улар дастлабки пайтларда қаттиқ тазйиққа учраганига қарамай, тез орада кенг жамоатчиликнинг онгу шуурини эгаллади, дунёқарашини ўзгартирди. Эътиборли жиҳати шундаки, Хитой раҳбарияти либерализм таълимотидан иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштиришга туртки берадиган ғоявий-назарий омил сифатида фойдаланди. Шу тариқа XXI аср арафасида либерализм бу мамлакатда сиёсий қарашлар тизими сифатида расман тан олинди. Бу ҳол Хитой раҳбариятининг мамлакат иқтисодиётини тубдан ислох этиш, қонун кучига таянган ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш сари интилаётганидан далолат эди.

²¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 160-б.

Лекин, барибир, бугунги кунда иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича дунёда етакчи бўлган, бир миллиард 300 миллиондан зиёд аҳолини моддий жиҳатдан таъминлаб, жаҳон бозорини турли-туман маҳсулотлар билан тўлдириб ташлаган бу мамлакатни ғарб кишиси ажиб сир-синоат, бетакрор қадимий анъаналар, ўзгача менталитет эга одамлар юрти деб билади. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Масалан, Хитой социализми ҳеч қачон соф коммунистик ақидалардан иборат бўлмагани сингари, бозор иқтисодиётининг хитой шакли ҳам унинг ғарбона моделларидан фарқ қилади. Шу маънода, ушбу давлат раҳбариятининг либерал ғоя ва қарашлар, демократик қадриятлар тарафдорига айланиб қолгани кўпчиликни ажаблантириши мумкин. Чиндан ҳам, коммунистик ақидалар қаёққаю инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя этувчи либерализм таълимоти қаёққа?!

Бироқ, Хитой воқелигига ҳолисона ёндашиб, мамлакат ҳаётини қайси соҳасини олмайлик барчасида бугун жадал ривожланишни, тараққиёт ва янгилашни руй бераётганининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, сўнгги йигирма йил мобайнида бу давлатда ижтимоий-иқтисодий ўсиш, замонавий бозор инфратузилмаларини шакллантириш, аҳоли турмуш даражаси ва моддий фаровонлигини ошириш борасида салмоқли ютуқлар қулга киритилди. Айрим иқтисодий курсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етиб бораётгани, иқтисодий ўсиш суръатларига кўра дунёда биринчи уринга чиқиб олганини назарда тутиб, баъзи олим ва сиёсатчилар "XXI аср Хитой асри бўлади" дея башорат қилмоқда.

"Хитой муъжизаси"нинг моҳияти ва муваффақияти биринчи галда тараққиёт йўлини танлашда хитойликларнинг ўзига хос менталитети, миллий хусусиятлари ҳисобга олингани, шунингдек ислоҳотларнинг меъмор"и Дэн-Сяопин 80-йиллар бошида илгари сурган "Уч қадам" стра-тегиясининг қабул қилингани ҳамда собитқадамлик билан амалга оширилгани билан изоҳланади. Агар 50-йилларда бу мамлакатда "Биз 15 йил мобайнида Англияга етиб оламиз" қабилидаги иқтисодий жиҳатдан асоссиз, воқеликка зид шиорлар илгари сурилган бўлса, "Уч қадам" стратегияси мутлақо янгича ёндашувларга, жумладан, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, давлатнинг етакчилик вазифасини сақлаб қолиш, аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, хорижий сармояни жалб этиш учун зарур шарт-шароит яратиш тамойилларига асосланган. Бу сиёсатнинг назарий негизи ана шу концепцияда ўз ифодасини топган. Ҳўш, унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

"Уч қадам" концепцияси мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва пировардида уни энг ривожланган давлатлардаги каби юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлиги ва турмуш даражасини яхшилашни назарда тутди. Мазкур концепция билан танишиб чиқсангиз, унда воқелиқдан йироқ, хаёлий бирон бир мўлжал ёки мақсадни қурмайсиз. Дарвоқе, ислоҳотлар меъморининг ўзи ҳам воқеликка прагматикларча ёндашиш қобилияти билан шуҳрат қозонган эди. Бир вақтлар журналистлар ундан ислоҳотлар концепцияси социалистик тузум ғояларига нақадар мос келиши

хақида сўрашганида, Дэн-Сяопин "Мушук оқ бўладими, қора бўладими — бунинг нима фарқи бор, сичқонни тутса бўлди-да!" деб жавоб берган экан. Бинобарин, "Уч қадам" концепцияси ҳам мавҳум ғоявий ақидаларга эмас, аниқ-равшан иқтисодий таҳлил ва тафаккурга таянади. Унга кўра, асосий иқтисодий курсаткич — мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти биринчи босқичда (1982-89 йиллар) икки марта, иккинчи босқичда (1990- 99 йиллар) тўрт марта кўпайиши, учинчи босқичда эса (2050 йилгача) аҳоли жон бошига турт минг долларга етиши кўзда тутилади. Дастлабки икки босқичдаги вазифалар муддатидан илгари бажарилганини эътиборга олсак учинчи босқичдаги мақсадларга ҳам эришилишига шубҳа қилмаса бўлади. Хозирги вақтда Хитойнинг ялпи ички маҳсулот миқоори ҳамда хорижий сармояни жалб этиш буйича етакчи давлатлар қаторидан ўрин олгани ҳам шундан далолат беради²².

Хуллас, 70-йиллар охиридан бошлаб изчил амалга ошириб келинаётган жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва очиклик сиёсати мазкур мамлакатда либерализм таълимотининг кенг ёйилишига замин яратди. Бироқ бугунги кунда ҳам либерализмнинг мазмун-моҳияти, унинг асосий ғоя ва тамойиллари борасида баҳс-мунозаралар давом этмоққа. Чунончи, зиёли ва оддий кишилар либерал демократик қадриятларни, озодлик ва эркинлик ғояларини ёқааб чиқаётган бўлса, амалдорларнинг аксарияти либерал ғоялардан "тозаланган", қандайдир мавҳум демократик тузум тарафдори эканини таъкидламоққа. Лекин, амалда Хитой раҳбарияти мамлакат ҳаётининг барча соҳалари, айниқса, иқтисодиётни либераллаштириш чораларини изламоқда ва боя таъкидлаганимиздек бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Хитойда амалга оширилган ислохотлар ва очиклик сиёсатининг дастлабки босқичларидаёқ Дэн-Сяопин бозор иқтисодиётининг миллий концепциясини яратишга киришган эди. Унинг моҳияти шундан иборатки, мамлакат иқтисодиётининг либераллашуви, хусусийлаштириш жараёни, турли мулк шакллариининг пайдо булиши, хорижий сармояларнинг кириб келиши амалдаги ижтимоий тузум асосларига путур етказмаслиги лозим. ХКП XIV съездида (1992 йил) сўзлаган нутқида Дэн-Сяопин ана шу масалалар хусусида тўхталиб, бундай деган эди: "Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этишдан кўзланган бош мақсад — социалистик бозор иқтисодиёти тизимини шакллантиришдир".

Шунга қарамай, Хитой раҳбарияти ислохотларнинг илк палласиданок инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий ҳудудлар ваколоти, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётини либераллаштириш муаммосига дуч келади. 80-йилларнинг охирида мамлакатда янги сиёсий куч — "Демократия учун" ҳаракатининг пайдо бўлиши, 1989 йил 4 июндаги Пекин воқеалари аҳоли турли қатламлари, айниқса, ёшлар ва зиёлиларнинг ўз сиёсий манфаатлари учун курашга тайёр эканини кўрсатди. Бу чиқишлар зўрлик билан бостирилган бўлсада, мамлакат ҳаётини эркинлаштириш,

²² А. Мингноров Замонавий цивилизация жараёнлари: нуқсонлар ва сабоқлар //Жамият ва бошқарув 2010 й.№2. 14 б

ислохотларни янада жадаллаштиришга таъсир ўтказмай қолмади. Ана шундай чигал масалаларни ҳал этиш, яъни либераллаштириш сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор иқтисодиётни, айниқса, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга қаратилди.

50-60-йилларда, қишлоқ хўжалик коммуналари мавжуд бўлган даврларда каерга нима экиш, қачон ва қанча миқорда экиш, қандай угитлардан фойдаланиш, махсулотни қимга, қандай нархда сотиш каби масалалар фақат юқоридан ҳал қилинган, деҳқон эса қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этмаган. Иқтисодий ислохотлар натижасида коммуналар ва марказдан туриб бошқариладиган қишлоқ хўжалик корхоналари урнига юз минглаб оилавий ширкатлар ташкил этилди. Шундан сўнг, ер давлат тасарруфида қолгани холда, ҳар бир деҳқон маълум даражада мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлди. Узоқни кузлаб амалга оширилган бундай сиёсат мамлакат, аҳолисини қишлоқ хўжалик махсулотлари билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, ортиқчасини экспорт қилишга ҳамда қишлоқдаги одамлар турмуш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Хитойда давлат корхоналарини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йул очиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳол амалдаги қонунчилик ва хатто Конституцияга хусусий тадбиркорликни ҳимоя этишни кўзда тутадиган муҳим ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлди. Натижада мамлакатда юз минглаб кичик корхона ва фирмалар, миллионлаб хусусий тадбиркорлар пайдо бўлди. Бугунги кунда Хитойда чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган 320 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Шу боис дунёнинг қайси мамлакатига борманг, ҳаммасида "Хитойда тайёрланган" тамғаси босилган турли-туман махсулотларга кўзингиз тушади. Илгарилари экспорт қилинаётган товарлар орасида хомашё, озиқ-овқат ҳамда енгил саноат махсулотлари кўпроқ бўлса, бугун замонавий электрон асбоб-ускуналар, илғор технологиялар, ноу-хаулар салмоғи ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Хозирги вақтда валюта захираси буйича Япониядан (806 миллиард доллар) кейинги уринга чиқиб олгани (416 миллиард доллар), 1977-97 йиллар мобайнида биргина АҚШ билан савдо-сотиқ миқори қирқ баробар кўпайиб, 119,5 миллиард долларга етгани, ўтган асрнинг сунгги ўн йиллигида иқтисодий ўсиш суръатлари йилига ўртача 10 фоизни ташкил этгани ҳам бу мамлакатнинг қанчалик катта имконият ва куч-қудратга эга эканидан далолатдир.

Албатта, буларнинг барчаси коммунистик мафкура хумкронлик қилиб турган давлатда либерализм таълимоти, либерал ғоя ва қарашларнинг истиқболлари ҳақида аниқ бир тўхташга келиш имконини бермайди. Шундай бўлса-да, мамлакат ҳаётининг турли соҳаларини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган сиёсат бугун ўз самарасини бераётгани шубҳасиздир.

Либерализмнинг ҳаётбахш ва яратувчанлик салоҳияти, унинг беқиёс имкониятлари бугунги кунда бошқа бир мамлакат — Япония мисолида айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Бор имконият ва ақли салоҳиятимизни илм излашга сафарбар этайлик²³!

Бу даъват эълон қилинганидан буён қарийб бир ярим аср ўтган бўлсада, японлар ҳамон зўр ташналик билан илмга талпинади, дунёнинг қайси нуқтасида бўлишидан қатъи назар, илм-фан, технология ва иқтисодиётдаги бирор бир янгилик кашфиёт, ихтиро уларнинг назаридан четда қолмайди. Япония V-VI асрларда ён-атрофидаги бошқа мамлакатларга нисбатан тараққий этган давлат — Хитой эришган жамики ютуқларни чанқоқлик билан ўрганди. Кейинчалик минг-минглаб япон фуқаролари уз ҳукумати даъвати билан АҚШга — эркин иқтисодиёт асосларини, Буюк Британияга — ҳарбий-денгиз санъатини, Франция ва Пруссияга — гуманитар фанлар, айниқса, ҳуқуқшуносликни ўзлаштириш учун йул олди. Кунчиқар мамлакат фуқароларига хос бундай шижоат ва илму хунарга чанқоқлик келгусида унинг юксак тараққий этишида асосий омил булди.

Агар сўнги ярим аср мобайнида дунё миқёсида бу мамлакат тўғрисида чоп этилган китоблар бир жойга жамланса, уларнинг барчаси хатто Ўзбекистан миллий кутубхонасига ҳам сиғмаса керак. Япония эришган ютуқлар, унинг тарихи ва маданияти, халқининг феъл-атвори ҳамда руҳиятига бўлган қизиқиш шу қадар зўр. Лекин, бу ғаройиб ва жозибали ўлканинг бизга маълум бўлмаган жиҳатлари ҳам талайгина.

Япониянинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти мавзуига кўл урган тадқиқотчи, аввало, унинг қайси тамаддунга мансублиги масаласига ойдинлик киритиши лозим. Жуғрофий жойлашув жиҳатидан ёндашилса, ҳаммаси равшан бўлади: Япония, шубҳасиз, Шарқ тамаддунига мансуб мамлакат. Лекин ижтимоий тараққиёт ва сиёсий маданият нуқтаи назаридан қаралса, унинг қайси тамаддунга мансублиги масаласини ҳал этиш осон эмас. Устига-устак бу ҳол мамлакатнинг ўзида эллик йилдан буён жиддий баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Чиндан ҳам, бир уйлаб кўринг, демократик институционал тизимнинг ғарбона тамойилларини миллий менталитет, ўзига хос тафаккур тарзи ҳамда кадриятлар билан уйғунлаштира олган мамлакат Ғарбга мансуб бўладими, Шарққами? Бу саволга ҳануз аниқ жавоб йўқ. Ҳар ҳолда, аксарият мутахассислар замонавий япон сиёсий маданияти, ҳақида сўз кетганда, уни шарқона анъанавийлик ва ғарбона кадриятларнинг ўта ноёб мужассами ва муштараклиги тимсоли сифатида баҳоламоқда. Шу маънода, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, демократик кадриятларни миллий урф-одат ва анъаналар билан уйғунлаштирган ҳолда ҳаётга татбиқ этишга интилаётган Ўзбекистан учун Япониянинг бу борадаги тажрибаси беқиёс аҳамият касб этади.

Япониянинг тоталитар тузумдан демократик тараққиёт сари босиб ўтган йўли бу жараён ўз-ўзидан кечмаслиги, унинг учун муайян шарт-шароит зарурлигини кўрсатади. Япония мисолида бу ҳол куйидагиларда намоён бўлади.

²³ Япон ҳукуматининг 1868 йилдаги даъватидан

Биринчидан, Иккинчи жаҳон урушидаги оғир маглубият — Япониянинг етакчи сиёсий арбобларини мамлакатдаги мураккаб вазият ҳамда халқаро ҳаётдаги ўзгаришларни холисона баҳолашга ундади. Уруш оқибатлари эса ҳақиқатдан ҳам дахшатли эди: 8 миллиондан зиёд одам халок бўлган ва жароҳатланган, 90 дан ортиқ шаҳар вайронага айланган, саноат корхоналарининг 80 фоизи яқсон қилинган, бир сўз билан айтганда, мамлакат иқтисодиёти бутунлай издан чиққан эди. Япон сиёсатчилари мамлакатни қудратли ҳарбий давлатга айлантириш ғоясидан батамом воз кечиб, миллий салоҳиятни иқтисодиётни ривожлантиришга йуналтириш лозимлигини англаб етди. Бунинг учун мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаштириш талаб этиларди.

Иккинчидан, японлар азалдан ўзга маданиятлардан озикланиш, уларинг ижобий жиҳатларини ўзига сингдириш ва миллий шарт-шароитга мослаштиришга интилиб келган. Уларга хос бу фазилат ғарб демократик кадриятларини, кейинчалик америка технологияларини пухта ўзлаштиришга йўл очиб берди. Жумладан, ўтган асрнинг 50-60-йилларида асосий эътибор тараққий этган давлатлар технологияларини мамлакатга олиб кириш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган эди. Японияда табиий захираларнинг тақчиллиги ҳамда саноатнинг деярли барча соҳалари учун зарур хомашё хориждан келтирилиши эътиборга олинса, ҳукуматнинг бу борада юритган сиёсати жаҳон бозорида япон маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва юқори даромад олиш имконини яратди. Аммо 70-йилларнинг бошида вазият ўзгача тус олди. Шу даврдан бошлаб мамлакат илмий салоҳияти юксак технологиялар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада қисқа давр мобайнида яратилган замонавий компьютер технологиялари ва телекоммуникация воситалари жаҳон бозорида етакчи ўрин эгаллади.

Японияда 60-йилларнинг бошларигача давом этган сиёсий кучларнинг кескин кутблашув жараёнидан сўнг аста-секин янги ижтимоий-сиёсий тизим, сиёсатшунослар таъбири билан айтганда, "бошқариладиган демократия" тизими шаклланди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи омилига айланган мазкур тизимнинг қўйидаги жиҳатларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биринчидан, у меҳнат ва капитал, ишчи ва иш берувчи ўзаро муносабатларидаги зиддиятларни бартараф этишга имкон яратди. Бундан ташқари, 70-йиллардан эътиборан синфий тамойиллар асосида фаолият юритган касаба уюшмалари таъсирининг сусайиши ҳамда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги фаол иштироки таъминланиши, уларнинг манфаатларини ҳимоя этадиган янги, "ислохотчи" касаба уюшмалар обрў-эътибори ва мавқеининг кучайиши ҳам шу мақсадга хизмат қилди²⁴.

Иккинчидан, худди шу даврда мамлакатда фаолият юритаётган барча партияларнинг (коммунистик партиядан ташқари) сиёсий платформаси, мақсад ҳамда вазифалари нуктаи назаридан яқинлашуви, уйғунлашуви кузатилди. Японияда, Оврупо давлатларидаги сингари муҳолифат

²⁴ Б.Зокир. Эркинлик ғояси такомилли // Тафаккур. 2008 й. №3.18 б

шаклланмагани сабабли, сиёсатчилар, олий мартабали амалдор ва ишбилармонлар доирасининг келишуви асосида Либерал демократик партия ҳкимияти тизими вужудга келади. Япониянинг қарийб ярим аср мобайнидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, технологик ривожланиш борасида эришган оламшумул ютуқлари кўпроқ мазкур партиянинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ.

Либерал демократларнинг якка ҳукмронлиги даврида ҳокимият тепасига ўн бешта бош вазир келиб-кетганига қарамай, бошқарув жиловни консерватив сиёсий арбоблар (элита) қўлида сақланиб қолгани сабабли мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида ҳам, унинг ташқи ва ички сиёсатида ҳам кескин бурилиш ёки ўзгариш руй бермади. Шунинг учун бўлса керак машхур сиёсатшунос Т. Иногути япон бошқарув тизимини "караоке демократиями (яъни, ижрочилар келиб-кетаверади, оҳанг эса ўша- ўша) деб таърифлаган эди. Албатта, мамлакатда ўзига яраша мавқе ва обрў -эътиборга эга бўлган бошқа партиялар (Япония социалистик партияси, Демократик социализм партияси, Социал демократик иттифоқ, Комэйто (соф сиёсат партияси), Янги либерал клуб ва бошқалар) ҳам фаолият юритмоқда. Аммо улар либерал-демократик партия билан блоклар тузиш ёки келишув асосидагина ўз мақсад-муддаосига эришишга ҳаракат қилади.

Учинчидан, Японияда бошқариладиган демократиянинг шаклланишида сиёсий маданият ва турли гуруҳлар онгининг ўзига хослиги, миллатнинг гомогенлиги (яъни миллат таркибида бошқа халқ ва элатларнинг нисбатан озлиги), шунингдек мамлакатнинг аввало иқтисодий тараққиёт соҳасида эришган ютуқлари таъсирида неоконсерватив ва ультраконсерватив кайфиятларнинг кучайиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бироқ бу жараёнда шундай тусиқ ва омиллар ҳам мавжуд эдики, улар "бошқариладиган демократия"нинг авторитар тузумга айланиб кетишига йўл қўймади. Чунончи, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда сиёсий алоқалар тизимида уйғунлашуви, Япониянинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеининг кучайиши ана шундай омиллар сирасидандир.

Япониянинг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида сўз кетганда, японларнинг ўзи унинг уч марта кашф этилганини ифтихор билан тилга олади.

Кунчиқар мамлакатнинг илк бор кашф этилиши XIX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган, аниқроғи, 1853 йил 8 июлида адмирал Мэтью Перрининг "қора эскадраси" бостириб келганда, Япония қарийб икки асрдан зиёд давом этган (1638-1854 йиллар) яккаланишдан воз кечиб, ташқи дунё билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатишга мажбур бўлган эди. 1860 йили дастлабки япон кемаси Тинч уммонини кесиб ўтиб, Америка қирғоқларига йўл олади. Расмий делегация таркибидаги ёш йигит — Юкити Фукудзава (атоқли мутафаккир, япон либерал буржуазияси назариётчиси, Кэйо университети асосчиси, Токио Фанлар академиясининг биринчи президенти) АҚШ ҳақидаги илк таассуротларини бундай ифода этган: "Американинг илм-фан, техника ва технология соҳасидаги ютуқлари, айниқса, жамоат институтларининг ривожини барчамизда ҳайрат ва ҳавас уйғотди".

Япониянинг иккинчи бор кашф этилиши хукмрон доиралар, айниқса, харбийларнинг миллатчилик мафкураси ва сиёсатининг инқирозига сабаб бўлган ҳамда демократик ислохотларга йўл очиб берган ходиса — япон милитаристларининг Иккинчи жахон урушида маглубиятга учрагани билан изоҳланади.

Ниҳоят, унинг учинчи марта кашф этилиши утган асрнинг 70-йилларидан бугунги кунгача давом этиб келаётган жараён — мамлакатнинг жахон савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалари ҳамда дунё ҳамжамиятига уйғунлашуви билан узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда, япон компания ва корпорацияларининг глобаллашувидан дарак бераётган бу жараён мамлакат ички ҳаётида туб ўзгаришларга, унинг тараққий этган давлатларга хос андоза ва меъёрларга мос равишда ривожланишига имкон яратди.

Албатта, Японияда XIX асрнинг иккинчи ярмидан Биринчи жахон урушига қадар парламентчилик борасида муайян тажриба, айрим демократик хусусиятлар мавжуд бўлса-да, XX асрнинг 30-йилларида харбий-милитаристик кучларнинг ҳокимиятни эгаллаб олиши мамлакатнинг демократик ривожига нуқта қуйди.

Шу боис япон жамиятида демократик жараёнларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг шаклланишида АҚШ маъмурияти, америкалик японшунос олим ва сиёсатчиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этганини таъкидлаш зарур. Зеро, АҚШ оккупация қўшини қўмондони адмирал Макартур қўлида ушбу мамлакатда демократиянинг американча моделини жорий этиш, АҚШда қарор топган либерал ғоя ва қарашлар тизимини японлар онгига сингдиришни кўзда тутган ҳаракат дастури ва аниқ режа бор эди. Бу заминга ғарб демократиясини жорий этиш тажрибасининг атиги 15-20 йилдан кейин улкан самара бериши, аввало, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг бир вақтда амалга оширилгани билан изоҳланади. Бу ислохотлар йирик ер эгалари ҳокимиятини тугатиб, уруш туфайли кашшоқликка тушиб қолган аҳолини қисқа давр ичида истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлади, жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликдан манфаатдор бўлган мулкдорлар синфининг шаклланишига замин яратди. Хуллас, орадан йиллар ўтиб, япон заминига қадалган либерал демократиянинг американча уруғидан шу қадар бақувват ва серҳосил дарахт вояга етдики, у ўзининг куч-қудрати, салоҳияти ва чексиз имкониятлари билан дунё жамоатчилигини лол қолдирди²⁵.

Гарчи либерал демократик кадриятлар япон заминига зўрлик билан, таъбир жоиз бўлса, Америка харбий эскадрасининг тазйиқи остида сингдирилган бўлса-да, бу ўлкада вужудга келган либерализм унинг замонавий ғарб либерализмидан талай жиҳатлари билан фарқланади. Бу ҳол, биринчидан, ижроия ҳокимиятининг унинг бошқа буғинларидан, хусусан, император ҳокимияти ҳамда парламент тизимидан кучлироқ эканида намоён бўлди; иккинчидан, япон парламенти Италия, Буюк Британия парламентлари

²⁵ Б.Зокир. Эркинлик ғояси такомилли // Тафаккур. 2008 й. №3., 19 б

ёхуд америка конгресси сингари зўр таъсир кучига эга эмас; учинчидан, япон жамиятида барча масалаларни кўпбосқичли, норасмий учрашувлар, маслаҳатлашув ва доимий мулоқот воситасида ҳал этиш амалиётининг мавжудлиги. Дейлик ғарб мамлакатларида ҳар қандай низоли вазиятда фуқаро уйлаб ўтирмай, ўша заҳоти қонунга, судга мурожаат этади. Японларда бундай ҳаракат — сўнгги чора. Тўғри, Японияда ҳам бошқа мамлакатлардан қолишмайдиган мукамал қонунчилик тизими амал қилади. Аммо япон фуқароси ҳатто энг кескин низо ёки келишмовчилик руй берган вазиятларда ҳам судга мурожаат этишда ўзини тийишга уринади. У масалани рақиб тарафнинг нуфузи ва жамиятдаги мақеиға путур етказмасдан, норасмий келишув, яъни анъанавий усулларни қўллаган ҳолда ҳал этишга интилади. Эътиборли жиҳат шундаки, бундай ёндашув кундалик маиший ҳаётда ҳам, давлат миқёсидаги масалаларни ҳал этишда ҳам бирдек қўлланади. Чунончи, ишлаб чиқариш жараёнида раҳбарият ва ишчи ўртасида низо пайдо булган ҳолларда корхона президенти ёки унинг ўринбосари норозилик кайфиятида юрган ходим билан бирон бир ресторанда норасмий учрашади: "бир пиёла чой устида" масалани ҳал этади. Бу ҳол анъана тусини олган. Ана шундай анъаналар раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносаба! ларни мустаҳкамлайди, корхонадаги маънавий муҳитни соғломлашти ради ва энг муҳими, ишчи ва хизматчиларни корхона манфаатлари учун қайгуришга, тинимсиз изланиш ва ташаббус кўрсатишга ундайди.

Шундай қилиб, япон либерал демократияси, ғарбона либосга бурканганига қарамай, мохиятан халқнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, руҳияти ва менталитети билан йўғрилган. Бошқача айтганда, америкаликлик кўмагида мамлакатда мумтоз либерал демократия институтлари — Конституция, парламентчилик тизими, кўппартиявийлик жорий этилган булсада, улар жамиятдаги анъана, кадрият ва урф-одатлар таъсирида ижтимоий гуруҳ ҳамда қатламларга сингиб бормади. Шу боис япон жамияти мутлақо ёпиқ гуруҳлардан ташкил топган очик жамият" деган ибора бежиз пайдо бўлмаган. Чиндан ҳам, япон жамиятидаги гуруҳ ва табақалар тўғрисида муайян маълумотга эга бўлган одам улар ўртасидаги муносабатларда қатъий тартиб, турли поғоналар буйича буйсиниш тамойили ҳукмрон эканига гувоҳ бўлади. Аммо бу ҳолат гуруҳ аъзоси — шахсга нисбат зўравонлик тазйиқ ва таҳқирлашни англамайди. Аксинча, гуруҳ аъзолари ўртасида муаммоларни оқилона ва амалий ёндашувлар асосида ҳал этишни кўзда тутадиган ўзига хос ички демократия мавжуд. Ажабланарлиси шундаки, раҳбарларнинг қўл остидаги ходимларга нисбатан юксак ишончи ҳеч қаерда, ҳатто демократия ўта ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган барча ходимларнинг фикри, салоҳияти, ташаббускорлиги, умумий ишга қўшган ҳиссаси албатта инобатга олинади. Умуман, ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидаги япон микромоделли (кадрлар тайёрлаш, ишга умрбод ёллаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, ишлаб чиқариш жараёнидаги маънавий-руҳий рағбат ва ҳоказолар) инсон омилига таяниб, корхона, жамоа гуруҳ аъзоларининг фаол иштирокини назарда тутайди.

Япон либерал демократиясининг ўзига хослиги айникса даромад тақсимотида яққол намоён бўлади. Агар ғарб мамлакатларидаги корхоналарда даромаднинг асосий қисми дивиденд сифатида акциядорларга бўлиб берилса, аксарият япон компанияларида у ихтиёрий равишда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга йуналтирилади. Бу ўринда биз Японияда жамоат шартномасининг мутлақо янги шакли жорий этилганини қурамыз. Бундан ташқари, бу ерда ишлаб чиқаришга оид масалаларни корхонада ишлаётганларнинг ўзи ҳал этади. Бинобарин, корхона акцияларининг ким томонидан сотиб олиниши, уларнинг сони қанча бўлиши ҳеч кимга ишлаб чиқариш жараёнига аралаштиш ҳуқуқини бермайди. Хуш, унда эркинлик демократия қаерда кўпроқ: Ғарбдами ёки Шарқдами? Биз фақат бир нарсани аниқ айтишимиз мумкин: уларнинг иккиси ҳам демократия, лекин шаклларида кўра фарқланади.

Япон жамиятининг ижтимоий тузилиши ҳақида сўз кетганда, унинг, ғарб моделларидан фарқли ўлароқ пирамидасимон шаклга эга эканини таъкидлаш керак. Унинг энг юқори буғинида — император, ундан қуйида тадбиркорлар томонидан бошқариладиган ишлаб чиқариш корхоналари ва нихоят, энг қуйи қаватда оила жой олган. Бу иерархик ти зимда ҳар бир одам уз урнини биледи. Чунки ёшлигиданоқ унинг онгига қатъий белгиланган қонун-қоидалар, узига хос ахлоқ фалсафаси сингдирилган. Дейлик япон оиласида катталарга исмини айтиб мурожаат этиш айб ҳисобланади. Масалан, акага "онисан" (хурматга лойиқ ака), опага "о-нэ-сан" (хурматга лойиқ опа) деб мурожаат этиш лозим.

Ёки устоз-шогирд муносабатларини олайлик. Агар Оврупода қадимги юнонлардан бошлаб бу борада рационал ёндашувлар, мусоҳаба, баҳс-мунозара, танқидий таҳлил устувор бўлиб келган бўлса, Японияда ўзгача ижтимоий-маънавий қонун-қоида ва меъёрларга таянилган. Бу ерда шогирднинг устозга сон-саноксиз саволлар бериши шаккоклик ҳисобланган. Шу боис шогирд устозининг ҳатти-ҳаракатини диққат билан кузатиш, икир-чикиригача ўзлаштириш ва керагича такрорлаш орқали комилликка етиши лозим.

Бу иерархик муносабатлар тизимининг изчиллиги ва самарадорлиги шундаки, у императорнинг уз халқи, корхона раҳбарининг ходимлари, ота-онанинг эса фарзандлари билан маънавий-рухий яқинлигини ифодалайди. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида ана шундай тизимни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самара бермаётгани ҳолда, Японияда бу тизим ёзилмаган қонун кучига эга.

Япон либерал демократиясини ғарбона андозалар билан қиёслаган олимлар шахс фаолиятининг эркинлиги, қарор қабул қилишда шахсий манфаатларга таяниш жиҳатидан унинг бир оз чекланганини таъкидлайди. Бироқ азалий анъаналарга таянган оилавий-жамоавий тузилмаларнинг жамиятда, кишилар онги ва руҳиятида сақланиб қолаётгани, бир томондан, ижтимоий тизимнинг ранг-баранглиги ва ўзгарувчанлигини таъминласа, иккинчи томондан, кескин низо ва бошбошдоқликка йўл қуймайди. Колаверса, мумтоз либерал демократик кадриятларнинг миллий турмуш

тарзи ва урф-одатлар билан уйғунлашуви ҳам мамлакатнинг юксак тараққий этиши, жамиятдаги барқарорлик ва бахамжихатликка хизмат қилмоқда.

Аммо сунгги йилларда дунёда руй бераётган глобаллашув жараёни, жумладан, ғарбона кадриятлар ва яшаш тарзи таъсирида японларнинг анъанавий ижтимоий тизимида жиддий ўзгаришлар руй бермоқда. Социологик сўровлар натижасига кўра, аҳолининг катта авлодга мансуб қисмининг аксарияти ва ўрта авлоднинг бир қисмигина японларнинг азалий кадриятларига (меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, амалдор ва раҳбарларга итоатгуйлик бурчга садоқат, аждодлар анъанасига амал қилиш ва ҳоказо) содиқ экани аниқланган. Ёшлар эса, аксинча, миллат менталитетига хос бўлган маънавий-руҳий хусусиятларни инкор этиб, анъанавийликка қарши эканини билдирган. Шу боис япон ёшлари орасида ғарб кишиларига хос индивидуализм, ёлғизликка мойиллик ва умуман, ғарбона оммавий маданиятга қизиқишнинг кучайиши, шунингдек "Аум Сенрикё" сингари экстремистик ташкилотлар ҳамда турли диний секталар таъсирига берилаётгани япон файласуфлари ва сиёсатшуносларини жиддий ташвишлантирмоқда. Масалан, Киото университетининг фахрий профессора "Кёсэра" компанияси президенти К. Инамури 1995 йилда чоп этилган "Фалсафага қайтиш. Капитализмнинг маънавий қиёфаси" китобида замонавий капитализмнинг маънавий-ахлоқий инқирози ҳақида тўхталиб, фақат азалий миллий кадриятларни тиклаш асосида ва уларга таянган ҳолдагина жамиятдаги муҳитни соғломлаштириш мумкин экани тўғрисида фикр юритади. Япониянинг таниқли сиёсий арбоби, собиқ Бош вазир Ясухиро Накасонэ ҳам журналистларга берган интервьюларидан бирида миллат дунёқараши ва руҳиятида руй бераётган айрим салбий ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, маънавий янгилашиш юксак турмуш даражасига эришган мамлакат учун асосий масала эканини таъкидлаган эди.

Маълум бўладики, ҳозирги вақтда ҳатто Япониядек улкан иқтисодий, илмий-техникавий салоҳият, бой маданий-маънавий меросга эга. Қудратли мамлакат ҳам глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларига дуч келмоқда. Бу ўринда биз мазкур жараённи айрим олимлар, масалан, таниқли инглиз сиёсатшуноси С. Хатингтон сингари Ғарб ва Шарқ тамаддунлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши ёки тўқнашуви дея талқин этишдан йироқмиз. Аммо глобаллашув таъсирида юзага келаётган кескин муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бинобарин, бу каби ғоявий тўқнашувларнинг қандай яқун топиши, глобаллашув билан боғлиқ муаммолар ечими нафақат Япония, балки жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, аждодларимизнинг бебаҳо маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва замон талаблари асосида бойитиш, бутун дунёда эътироф этилган демократик кадриятларни қарор топтириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасида салмоқли қадамлар ташлаётган бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

III БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.

3.1. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар

Ҳозирги замонда мутафаккирлар ва олимлар ва Ер сайёраси миқёсида ягона цивилизация қарор топаётганлиги хусусида кўпроқ гапирмоқдалар. Фан ва амалиётда бу ғоянинг мустаҳкам ўрин олиши билан «глобализация» (глобал – франц. Global – умумий, лот. Globus - шар) атамаси қўлланила бошланди. Глобализация – жаҳондаги мамлакатларнинг ўзаро боғлиқ бўлиб бориши жараёни. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тараққиётининг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун кураш заминини қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Бу жараён жаҳон тараққиётининг муим хусусияти эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор.

Глобаллашув жараёнининг энг умумий жиҳатлар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, XX аср иккинчи ярмига хос асосий технология – ядро куролини ишлаб чиқиш билан боғлиқ эди.

Иккинчидан, инсониятнинг глобаллашув даврига қадар комунистик ғоя, мафкура ва сиёсатнинг таназзули ва шунинг натижасида либерал-демократик кадриятлар ғалабасини англатади.

Учинчидан, баъзан глобаллашув билан бир вақтда унга тескари бўлган минтақавийлашув жараёнтининг, жумладан, минтақавий савдо-иқтисодий ҳамда сиёсий ташкилотлар фаолият доираси ва обрў-эътиборининг кучайиши жараёни кузатилмоқда.

Тўртинчи, глобаллашув жараёнининг олдинги сафларида бораётган (асосан йирик, тараққий этган) мамлакатлар ҳамда ривожланаётган давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги тафовутнинг кучайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Демак, мафкуравий жараёнларни глобаллаштирувчи ва универсаллаштирувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг кенгайиши;
2. Иқтисодий муносабатлар ва алоқаларнинг кучайиши;
3. Маънавий муносабатлар ва маданий алоқалар кўламининг ортиши;
4. Ахборот ва алоқа коммуникацияларининг тараққиёти;
5. Фундаментал илмий кашфиётлар ва фан ютуқларининг кўпайиши;
6. Техник ва техноологик имкониятларнинг ўсиши.

Глобализация ижобий жиҳатлари билан бирга қатор жиддий муаммоларни ҳам туғдиради, давом этиб келаётганларини кескинлаштирди. Уларнинг муайян қисмини «ҳозирги даврнинг глобал муаммолари», деб аташ қабул қилинган.

Ғарбона таълимот ва ижтимоий-фалсафий қарашларни ўзида мужассам этган американча либерал демократия ҳамда унинг Японияда қарор топган шарқона моделининг шаклланиш тарихи, мазмун-моҳияти, ўзига хос тамойиллари хусусида фикр юритган эдик. Бундан кўзланган асосий мақсад

— ушбу ёндашувларни бир-бирига қарама-қарши қуйиш эмас, аксинча, ҳар бирининг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этиш, айниқса, АҚШ ва Япоия каби давлатларнинг юксак ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб берган омилларни аниқлаш, мухтасар айтганда, либерал демократиянинг кучли ҳамда заиф томонларини ўрганиб, тегишли хулоса чиқаришдан иборат эди.

Кундалик ҳаётдаги ўзаро суҳбатларда "эркинлик" тушунчаси ҳақида сўз борганда, аксарият одамларга у ўта жўн туюлади. Бизнингча, бу ҳол унинг теран фалсафий мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги аҳамияти, эркинлик ҳар бир инсон учун олий қадрият эканини тўлиқ, англамаслик билан изоҳланса керак. Таниқли инглиз тарихчиси Жон Актоннинг таъкидлашича, "Эркинлик ғояси азалдан, дин сингари, эзгу ишларга ундовчи кучли омил бўлиб келган. Барча замонларда бу ғоянинг душманлари — жаҳолат ва ақидапарастлик, босқинчилик ва айш- ишрат майли, ҳокимиятпарастлик ва қашшоқлик унинг тараққиётига тўсқинлик қилган. Халқлар босқинчилар ҳужумидан халос бўлишга интилган даврларда у тақиқланган, яшаш учун тинимсиз кураш кетаётган кезларда кишилар нақадар бебаҳо неъматни шунчаки емакка алишиб юбораётганини англаб етмаган²⁶"

Дарҳақиқат, либерализм замирида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мутлақлаштирилиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий ҳаёти фақат либерал ғоя ва қарашлар асосида баҳоланиши ўша давлатларнинг миллий қадриятлари, анъаналари, ҳатто мустақил ривожига путур етказиши мумкин. Бу ҳал ўтган асрнинг охирида мустақилликка эришган собиқ Иттифоқ республикалари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида айниқса яққол намоён бўлди. Масалан, Россияда либерал ғоя ва қарашлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига тўғридан тўғри сингдирилиши жамиятнинг кескин табақалашуви (яъни бир тарафда — бой-бадавлат олигархлар, иккинчи тарафда — аксарият аҳолининг ночор гуруҳлари) сабаб бўлди, шунингдек, Ғарб турмуш тарзи в менталитетига хос қадриятлар кенг тарқала бошлади. Табиийки, Ғарб либерализми тамойилларига таянган тараққиёт стратегиясининг оқибатлари, айниқса, миллатнинг урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш масаласи бугун куплаб Ҳозирда турли гуруҳлар ва давлатлар томонидан маълум бир ғаразли манфаатлар ва мақсадлар йўлида олиб борилаётган мафкуравий ҳуружлар (биз бу ҳақда юқорида тўхталган эдик) ҳар бир давлат ва миллатни ўз суверенитети барқарорлигини сақлаб қолиш борасидаги маълум бир чора тадбирлар ишлаб чиқиши зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бизга маълумки, миллий суверенитет ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатдан ўз ҳарбий салоҳиятини кучайтиришни тақозо қилади. Аммо "мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга"²⁷ бўлган ҳозирги замонда ҳарбий

²⁶ Жон Актон. История свободы в античности. Полис, 1993, №3, стр. 108.

²⁷ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият". 2008. 113-бет.

салоҳият миллий суверенитетнинг яккаю-ягона кафолатчиси бўла олмаслиги кун сайин ойдинлашиб бормоқда. Чунки суверенитетга даҳл қилувчи кучлар ўз ҳаракатларини “кўзга кўринмайдиган”, бир қарашда “пайқаш” мушкул бўлган усуллар ёрдамида олиб бормоқдалар ва бундай усулларга қарши туришда на давлатнинг ҳарбий соҳада олиб бораётган ислоҳотлари ва на турли ҳавфсизлик нуқтаи назаридан тузилган минтақавий ва ҳалқаро ташкилотлар даражасида самарали қарши туриш амри маҳол.

Хўш, бундай ҳавфсизлик механизмлари мана шундай таҳдидларга самарали қарши тура олмас экан, унда “бу таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишда қандай усул ва воситаларни ишга солиш мумкин?”, “бундай таҳдидларга қарши тура оладиган механизмнинг ўзи мавжудми?” деган саволлар туғилади. Бу каби муаммоли саволларга Президентимиз томонидан илгари сурилган “уч поғонали жавоб тизими”, яъни таҳдидларни “англаш, олдини олиш ва ниҳоят бартараф қилиш”²⁸ орқали жавоб бериш мумкин.

Бундай тизимни ҳар қандай суверенитетимизга тажовуз қиладиган кучларга нисбатан қўллаш анча самарали эканлигини яқин ўтмишимиз ҳам исботлади.

Ташқи мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда аввало уни ўз вақтида англаб етиш энг биринчи вазифа ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда “бугунги кунда ҳалқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади”²⁹. Биз юқорида кўриб ўтган демократияни “экспорт” қилиш билан боғлиқ бўлган мафкуравий таҳдидларни ҳам ўз вақтида англаш суверенитетимиз ҳавфсизлигини таъминлашнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

“Экспорт” кўринишидаги ҳуружларнинг асосий кучи уларнинг жозибадорлиги ва “эркинлик” ниқобига ўралганлигидадир. Шунинг учун ҳам аксарият “рангли инқилоблар” рўй бераётган давлатлар аҳолиси бундай “беғараз ёрдам” ортида нима яширинганлигини ўз вақтида пайқай олмайётганлиги оқибатида иррационал тарзда инқилоблар “сценарийси” иштирокчисига айланиб қолмоқдалар.

Инсон тафаккур тарзининг демократик жараёнларга таъсирини тадқиқ этган ўзбек олимларидан бири А.Эркаевнинг таъкидлашича, шарқ халқларининг тафаккур тарзига ҳос бўлган иррационалликнинг рационал тафаккурдан устунлиги ва мустаъбид шўро даврининг асорати сифатида аҳолининг фикр юритиш усулида ҳаммон сақланиб қолган маргиналлик хусусиятлари рационал тафаккурга асосланган мана шундай сохта даъватлар таъсирига тушиб қолишига бирламчи асос бўлмоқда³⁰. Президентимиз бунини бошқачароқ тарзда шундай тушунтиради: “...коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий

²⁸ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”. 2000. 110-бет.

²⁹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008. 116-бет.

³⁰ А.Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т., “Маънавият”. 2007. 142-б.

бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши ...одамни ташвишга солмай қўймайди”³¹. олим ва зиёлиларни жиддий уйлантирмоқда.

Президент Ислом Каримов "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули" асарида мамлакат миллий тараққиёт модели ҳақида фикр юритиб, бундай деган эди: "Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тупланган ва республика шароитига татбиқ этса бўладиган барча ижобий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоқда, бирон бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатнинг ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кучириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, асли, бегона, ёт андозалар сунъий равишда тикиштирилган жойда иқтисодий ислохотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади"³².

Шу боис Ўзбекистонда ислохотларнинг дастлабки босқичлариданок Ватанимизнинг ўзига хос тарихи, геостратегик ўрни, табиий-маъданий захиралари, халқимизнинг бой илмий, фалсафий, маънавий-маърифий мероси, миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлигига таянган ҳолда демократия тамойиллари изчил жорий этилмоқда. Бу сиёсатнинг самараси, ютуқ ва камчиликлари авваламбор иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусан, фаровон ҳаёт бунёдкори ҳисобланган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантиришда айниқса яққол намоён бўлади.

Ватанимизда истиклол йиллари бошқарувнинг мустабид тузумдан мерос бўлган маъмурий-буйруқбозлик услубидан воз кечилиб, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсати қатъият билан амалга оширилмоқда. Халқимиз хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йуналишлари ва амалиётга жорий этиш йул-йуриқлари Президент Ислом Каримов асарларида атрофлича асослаб берилган. Биз бу ўринда масаланинг бошқа бир муҳим жиҳати, яъни мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири — Ғарбда ўрта синф деб юритиладиган мулкдорлар синфининг шаклланиши, бу тоифанинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрни, шу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бугунги дунёнинг АҚШ, Англия, Япония, Германия каби мутараққий давлатлари, "Осиё арслонлари" дея эътироф этилган ва кейинги йигирма-ўттиз йил мобайнида эришган иқтисодий юксалишлари билан кўпчиликни хайратга солган Жанубий Курия, Сингапур, Тайван, Малайзия сингари мамлакатлар ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тўплаган тажрибаси шундан далолат берадики, том маънода мулкдорлар синфини

³¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият". 2008. 117-бет.

³² Ислом Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, "Уқитувчи" нашриёти 1998, 87-88-бетлар.;

шакллантирмасдан туриб, эркин бозор муносабатларини ривожлантириб, биз орзу қилган фаровон, маърифатли жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Мамлакатимиз ўн уч йил давомида бу борада мураккаб ва машаққатли тараққиёт йўлини босиб утди. Агар ислохотларнинг дастлабки даврида асосий эътибор мамлакатни шўро даврида бошланган иқтисодий инқироздан олиб чиқиш, ривожланишнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган бўлса, 2000 йилдан эътиборан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устувор аҳамият касб эта бошлади. Айниқса, мулкый муносабатларнинг эркинлашуви, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига кенг йўл очилиши ислохотлар ва янгилаш ғояларини амалга оширишда фаоллик кўрсатадиган, эркин иқтисодий фаолият, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини қадрлайдиган мулкдорлар хатламининг шаклланишига замин яратди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун халқ хужалигининг деярли барча соҳаларида (саноат, қишлоқ хужалиги, савдо, умумий овхатланиш каби анъанавий соҳалардан тортиб маркетинг, менежмент, консалтинг, сугурта туризм ва бошқа соҳаларгача) фаолият юритаётган ана шу синф вакилларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳақда муайян тасаввур ҳосил қилиш уч далил ва рақамларга мурожаат этайлик. Агар 2000 йилнинг бошларида юртимизда 5,5 минг тадбиркорлик субъекти ва 28 минг 600 микрофирма фаолият юритган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг сони 250 мингга етди. Бунга аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар туфайли пайдо бўлган 87,5 минг фермер хужалигини ҳам қўшадиган бўлсак уларнинг умум сони 337,5 минггага етгани, яъни тўрт йил мобайнида ўн баробарга кўпгани маълум бўлади. Ёки мулкдорларнинг статистикада энг муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида эътироф этиладиган мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини олиб курайлик. 2006 йилда бу кўрсаткич атиги 21 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда у 57 фоиздан ошди. Бу соҳада бугунги асосий вазифа — иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини жадал шакллантириш, хусусий секторни янада ривожлантириш орқали унинг ялпи ички маҳсулот тайёрлашдаги улушини 60-65 фоизга етказишдан иборат. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳолида моддий фаровонлигининг ошиши, хусусий мулкдорлар синфининг шаклланиши, демакки, кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкон яратган бўлур эди.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари фаолияти, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ўн икки йил муқаддам давлатимиз раҳбари "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида бозор иқтисодиётининг нафақат ижобий, балки ўтиш даврига хос салбий жиҳатни ҳам, хусусан, иқтисодиётнинг издан чиқиши, кўпгина корхоналар синиши оқибатида ишсизликнинг кучайиб кетишини эътиборга олиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу маънода, мазкур муаммони ҳал этиш хусусий секторнинг ўрни беқиёсдир. Келинг, рақамларни қиёслаш давом этайлик.

Маълумотларга кўра, 1999 йилнинг биринчи ярмигача ва ўрта бизнес корхоналарида 400 минг киши ёки иш билан бандларнинг атиги 5 фоизи меҳнат қилган бўлса, 2004 йилда бу курсатган миллионни ёхуд иш билан таъминланганларнинг 57 фоизини ташкил этган. Агар юртимиздаги ҳар бир оилада ўртача учтадан аъзо бўлса одам тадбиркорлар фаолиятдан баҳраманд бўлаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Биргина 2011 йилда кичик бизнес ва тадбиркорликни шакллантириш ҳисобидан 575 минг иш ўрни яратилгани ҳам бу соҳанинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан дарак беради.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ислохотларнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш, бу сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратишда давлат ва ҳокимият тизими фаолияти устувор аҳамият касб этади. Буни либерализм назариётчилари ҳам инкор этмайди. Чунончи, АҚШдаги Калифорния университети профессори Р. Абрамс шахс фақат тадбиркорлик ва ташаббускорлик қобилияти билан моддий фаровонликка эришишини афсона дея баҳолаб, аслида, хусусий тадбиркорлик давлатнинг бевосита бошқарувисиз шаклланиши ҳам, муайян ютуқларга эришиши ҳам асло мумкин эмаслигини уқтиради. Америкалик таниқли олим, Нобель мукофоти совриндори С. Кузнецнинг таъкидлашича, гарчанд бизнесменлар, либерализм анъаналарига кўра, азалдан давлатнинг хусусий тадбиркорлик соҳасига аралашувини мутлақо чеклашни ёклаб келган бўлса-да, лекин фаолият юритиш учун зарур шарт-шароит (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий) яратиш, бирон бир имтиёз ҳақида сўз кетганда, ҳеч иккиланмай ундан ана шу имкониятларни талаб қилиб келган.

3.2. Либерализм таълимнинг ғоявий тантанаси ва истиқболи

Либерализмнинг замонавий шакллари амалий нуқтаи назардан англаб етиш ва жорий этиш учун аввало унинг мумтоз мазмунига нисбатан методологик муносабатни аниқлаб олиш талаб этилади. Хатто, маълум бир муддатда, дейлик сиёсий ёки иқтисодий ислохотлар жараёнида унинг бошлангич ғояларини мафкуравий асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мумтоз либерализм қачонлардир Ғарб мамлакатларининг гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, либерализмнинг англо-саксон анъаналари XIX асрда демократик қадриятларнинг мустақамланиши ва конституциявий қоидаларнинг ривожланиши, байналмилаллик эркин савдо шартларини жорий этишда салмоқли ўрин тутган. Бу анъанага хос муҳим қадрият ва тамойилларни сиёсат оламида намоиш этган Буюк Британия либерал партияси кейинчалик — XIX асрнинг иккинчи ярмида ушбу мамлакатдаги иккита ҳукмрон сиёсий партиянинг бирига айланди. У Англияда сайлов ҳуқуқини кенгайтириш асосий ўрин тутган эркин бозор иқтисодиёти ҳамда сиёсий тузум ислохоти учун курашиб, 1867 ва 1884 йиллардаги сайлов ҳақидаги, айниқса, 1918 йилдаги умумий сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишида катта ғалабага эришади. Фақат лейбористлар партияси ишчилар синфини ўз томонига оғдириб олган, сиёсат сахнасига чиққанидан кейин либераллар аста-секин мавқеини йўқотди. Улар 1940-1945 йилларда сўнгги марта ҳукумат коалициясида иштирок этади.

Либерализмнинг континентал-оврупо анъаналарида асосий урғу миллий консолидация (бирлашув) жараёнларига ҳамда иқтисодий, сиёсий ва интеллектуал авторитаризмнинг барча шаклларида воз кечишга қаратилган. Либерализм сиёсий ривожланиши давомида узаро қарама - қарши булган мўътадил ва тараққийпарвар оқимларга ажралиб кетади. Улар муайян мамлакатда иқтисодий эркинлик конституциявий ислохотлар ёки давлатни диндан ажратиш билан боғлиқ масалаларда бир-биридан фарқ қилади. Оврупода либерализм миллий ўзликни англаш, этномаданий нуқтаи назардан яқин бўлган давлатларнинг бирлашиши ёки аксинча, империяларнинг парчаланиши ва мустақил давлатларнинг ташкил топиш жараёни билан барабар ривожланган. У кўп ҳолларда сафарбар этувчи куч, сиёсий фаоллик манбаи сифатида намоён бўлган.

Либерализм Кайзер Германияси устидан эришилган ғалабага шерик бўлиб, Веймар Республикасининг конституциявий-мафкуравий асоси сифатида хизмат қилади ва ушбу мамлакатдаги фашизмнинг кучайишига беихтиёр туртки бериб юборади. Бунга сабаб — мамлакатда либерализм учун сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий асослар ҳали етилмаган эди. Немис жамиятидаги инқироздан фойдаланган миллатчи-социалистлар партияси парламент йўли билан ҳокимият тепасига келади ва ўн икки йил давом этган Учинчи рейх ҳукмронлигига асос солади. Бу ҳукмронлик фашизмнинг Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубияти билан яқунланди. Урушдан кейин айнан либерализмга асосланган сиёсат ГФРни дунё ҳамжамиятининг етакчи мамлакатлари қаторига олиб чиқди. Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга

учраган япон милитаризми мисолида ҳам худди шундай сифат узга риши руй берди.

Хўш, либерализмнинг кучи нимада? Унинг кучи, энг аввало, ижтимоий дунёқараш асосларининг теранлигида. Либерализм назариясининг асосий қоидалари (таълимотлари ва бош гоёлари) мумтоз кўринишдаги гуманистик (инсонпарвар) дунёқарашга таянади, у Уйғониш даври маданияти ва маърифати, француз инқилоби таъсирида қарор топди ва айнан шу тарзда эркинлик қоидаларига асосланган либерал цивилизация шароитида жамиятнинг ижтимоий тартиблари моҳиятини белгилаб берди.

Либерализм ҳар қандай кўринишдаги мустабидлик яккахуқумронлик зўравонликка қарши, ҳар қандай фанатизм, ригоризм (маънавият масалаларидаги қонун- қоида ва тамойилларга сўзсиз ва қатъиян итоат этиш), жиззакиликни рад этади. Гуманизм — либерализмнинг шарт-шароити сифатида Уйғониш даври — XV-XVI асрларда шакллана бошлаган. Ўша давр гуманистлари инсон шахсининг эркинлигини эътироф этиб, диний таркидунёчиликка қарши чиққан, инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқини ҳимоя қилган. Уйғониш даври гуманистларининг йирик намояндалари — Петрарка, Данте, Боккаччо, Леонардо да Винчи, Эразм Роттердамский, Бруно, Рабле, Монтень, Коперник Шекспир, Бэкон ва бошқалар дунёвий тафаккурнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Масалан, Жон Локк инсон ҳуқуқларининг табиийлиги ва объективлигини асослар экан, аввало бу ҳодисанинг қонунийлигини илмий жиҳатдан исботлаб беришга ҳаракат қилади. У дастлаб чуқур асосланган, тангри иродасининг ифодаси сифатида тафсифланадиган, табиат орқали идрок этиладиган (эркинлик ҳақиқат манбаи бўлиб хизмат қиладиган) ўзига хос ахлоқий тамойил ва қонуниятлар бор, деган хулосага келади. Бу тамойил ва қонуниятлар онгли табиат билан буладиган муносабат даражасини кўрсатади ва шу тариқа инсон бошқариши мумкин бўлган ҳамда бошқариш тақиқланган нарсаларни белгилаб беради. Локк шунингдек қонун ва ҳуқуқни бир-биридан фарқ қиладиган нарсалар деб билади. Унинг назарида, бирон бир нарсага эркин эгаллик қилиш имкониятининг берилиши ҳуқуқдир. Қонун эса инсонга нима қилиш мумкину нима қилиш мумкин эмаслигини кўрсатиб туради. Инсон ҳуқуқи, унинг эркинлиги табиат қонуниятларига асосланади. Файласуфнинг фикрича, инсоният ҳамжамияти ижтимоий табиатнинг объектив қонуниятларисиз яшолмайди.

Локк «Бошқарувнинг икки трактати» асарида мумтоз либерализмнинг илмий-сиёсий назариясини яратади. Эътиборлиси шундаки, у инсон ҳаёти учун муҳим булган эркинлик тенглик адолат, саховат, ҳокимият, итоат этиш, ҳуқуқ ва бошқалар, шунингдек уруш, куллик, мулк, ота ҳокимияти (патернализм), сиёсий ва фуқаролик жамияти ҳақидаги табиий масалаларга ҳам ўз муносабатини билдиради. Файласуф сиёсий жамиятнинг пайдо бўлиши, сиёсий жамият ва бошқарув мақсадлари, давлат шакллари, қонун чиқарувчи ҳокимият турлари давлатдаги қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федератив ҳокимиятлар давлат ҳокимият тармоқларининг тақсимланиши ҳақидаги масалаларни очиқ беради. Шунингдек у «ота» ҳокимияти, сиёсий ва

деспотик ҳокимиятлар (ҳаммасини бирга қўшиб олганда), босиб олиш, зўравонлик йули билан тортиб олиш, зулм ўтказиш, бошқарув тизимининг емирилиши каби масалаларни ҳам атрофлича талқин қилади.

Эркинлик либерализмнинг асосий категорияси ҳисобланади. Локк унинг тимсолида сиёсий муносабатлар тизимининг мезонини куради. «Эркинлик» тушунча сифатида мумтоз либерализмда абстракт ҳам эмас, вульгар ҳам эмас. Мумтоз либерализм эркинлик тушунчасини ҳеч қандай қонун ва меъёрлар билан алоқаси бўлмаган ҳолат сифатида қабул қилмайди. «Жамиятдаги инсон эркинлиги шундан иборатки, у қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ташқари бошқа биронта кучга буйсунмайди, ҳеч кимнинг эркига итоат этмайди ва ишонч билдирилган мазкур қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ишлаб чиқилмагани бошқа қандайдир қонунлар билан чегараланмаган ҳам».

Олимнинг назарида, давлат механизми фаолият кўрсатаётган шароитдаги эркинлик шундан иборатки, у жамият иродаси билан ўрнатилган қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ишлаб чиқилган доимий қонунлар билан белгиланади. Бу борада ўзаро муносабат ўрнатишнинг энг яхши усули — муросадир. Муроса, агарда у тегишли мақом ва обрў-эътиборга эга бўлса, мутлақ ҳокимиятчиликнинг душманидир. У иқтисодий муносабатлар ва меҳнат маҳсулидир. Мулкни — меҳнат, давлат ҳокимиятини — ижтимоий муроса юзага келтиради. Эркинликнинг асосида иқтисодий мустақиллик ётиши эътиборга олинса, уларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ ва мантиқий экани аён бўлади.

Айни пайтда шуни унутмаслик керакки, бундай муносабатлар феодал давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва черков назоратид халос бўлиш учун абсолютизмга қарши олиб борган курашлари шароитида қарор топган. У мохиятан инсоннинг иқтисодий-жисмоний ва интеллектуал эркинлигига нисбатан қуйилган ташқи чеклашларга қарши олиб борилган эди. Бундай чеклашлар инсоннинг ижтимоий юксалишига, тадбирколик ривожига, тараққиётнинг илғор йўлларини топишга, адолат ва эркинлик ғоялари тантанасига халакит берарди. «Биз озод бўлиб туғилганимиздек — дейди Локк - эркин бўлиб ҳам туғиламиз, лекин бу ўша захотиёқ хар иккаласидан ҳам фойдаланамиз, деган маънони бермайди, маълум бир ёшга етганда биттасидан, ундан сўнг иккинчисидан фойдаланиш имконияти юзага келади».

Файласуфнинг фикрига кўра, фақат билим, маърифат ва ақл инсон ҳақиқий эркин қилиш мумкин. Чунки айнан мана шу кадриятларни давлат ҳам, инсон ҳам ҳеч қандай қарор билан узгартиролмайди. Нима яхши идрок этилса, у кадрлидир. Фарзандларнинг тарбияси борасида ўз ҳукмини ўтказган отадек давлат ҳам ҳокимият чегараларига бўлади. Ж.Локкнинг фикр кўра, давлат миқёсидаги ўзгаришлар инсонлар онгидаги ўзгаришдан бошланиши керак.

Либерализмнинг асосий категорияларидан яна бири — фуқаролик жамиятидир (Локк уни сиёсий жамият деб атади). Фуқаролик жамияти — ижтимоий муроса жамияти, шартномавий муносабатлар тараққиётининг

олий натижаси. Давлат жамият маҳсули ҳисобланар экан, давлат ва жамият муносабатларида қонун ва ҳуқуқ устувор булмоғи лозим. Давлат ҳам, жамият ҳам парламент томонидан қабул қилинган қонунлар асосида инсонга хизмат қилади. Жамият қонунларида фуқаролик жамиятдаги бирон бир инсон учун истисно тариқасидаги алоҳида имтиёз берилмайди.

Янги жамият қуришимиздан асосий мақсад – демократик жамият қуриш ва ҳар бир инсоннинг эркинлиги, ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариш қафолатчиси бўлган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат бўлди.

Аммо демократия ҳақида гап кетар экан, тараққиёт амалиётида синалган бу тузум жамият ва инсон эҳтиёжларини қондиришнинг энг мақбул усули бўлиши билан бирга, маълум камчиликларга ҳам эга. С. Хантингтон бу тузумга шундай баҳо беради: “Кўпинча (халқларнинг) ўз тақдирини ўзи белгилашини ёқлаб гапирилган гаплар қулоққа чалиниб туради. Бунинг маъноси, ҳар бир гуруҳ ўзи ҳоҳлаган йўлдан бориши мумкин, деганидир. Аммо бу бош-бошдоқликнинг кучайиши, жамият ва давлатнинг парчаланиб кетишига олиб келиши мумкин. Боз устига, демократия бундай муаммоларни ҳал этишга унчалик мосланмаган. Демократиялаш ва демократиянинг амал қилиш жараёни жамиятнинг этник, диний ва бошқа гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштириб юбориши мумкин”³³.

Демократия ҳам мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳал этиш имкониятига қодир бўлган жараён эмас. Мутлақ демократиянинг бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Чунки, мутлақ эркинлик ҳам жамият барқарорлигига, шахс кадр-қимматига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Дарҳақиқат, демократия мавжуд жараёнларни изга солиб турадиган универсал восита эмас, шунинг баробарида инсоният шахс ва жамият, шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг мукамалроқ тизимини ҳам кашф эта олгани йўқ. Бинобарин, янгиттан мустақилликка эришган ёки демократия йўлига ўтаётган мамлакатлар учун тараққиётнинг ягона концепцияси ёки андозасининг ўзи йўқ. Демак минтақалардаги жараёнларга баҳо беришда Ғарб мезонларидан эмас, уларга ижодий ёндашган ҳолда мавжуд муаммолар ва шароитларнинг ўзидан келиб чиқиш керак бўлади”³⁴.

Комунизмнинг таназзулга юз тутиши демократик тузумнинг яқка ҳокимлигига йўл очиб берди. Бу ижобий ҳол албатта. Аммо масаланинг асосий томони шуки, илғор ривожланган Ғарб давлатларида демократия аста-секинлик билан маълум тарихий шарт-шароитлар ва инсон онгининг, дунёқарашининг тадрижий ўзгариши билан юзага келган. Ана шундай демократияларнинг тўғридан-тўғри бирор янги тараққиёт йўлига ўтган жамиятга қўллаш инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқиши мумкин.

Шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо этишда, бошқарув органларининг ўз сайловчиларига ҳисоб беришини йўлга қўйишда, албатта демократиянинг муқобили йўқ. Аммо

³³ С. Хантингтон. Неуправляемость демократии? Демократии? Демократия 1990-х, Специальный выпуск журнала “Глобальные проблемы переходного периода”, 1993, стр. 16.

³⁴ Ф. Низом. Янгиланиш анъанаси. “Маънавият”. Т., 1998, 42-бет

Ғарб сиёсатшунослигида демократияга панацея – барча муаммоларни ҳал этувчи, балоларни даф қилувчи восита сифатида қарашга шубҳа билдирила бошланганига анча бўлди.

90-йилларнинг бошида америкалик сиёсатшунос Френцис Фукуяманинг либерал демократиянинг бошқа мафкуралар устидан қозонган ғалабаси билан тарих ҳам тугади, деган мулоҳазаси кескин мунозараларга сабаб бўлган эди. Бу интиҳо, унингча, барча замонларда яшаган барча халқлар тажрибасига асосланган мантиқий тараққиёт жараёни тугаганини билдиради. Фукуяманинг бу мулоҳазасининг комунизмнинг инқирозга юз тутиш натижасида вужудга келган эйфория натижаси дебгина қабул қилиш мумкин. Тўғри, бугунги кунда кучли иқтисодий асос ва пешқадам ахборот воситаларига таянган либерал демократиянинг ошиғи олчи. Аммо янги иқтисодий ва шу билан биргаликда сиёсий қутблар вужудга келаётган ҳозирга дунёда унга муқобил куч сифатида ислом, конфуцийлик сингари цивилизациялар майдонга чиқаётганини ҳам тан олиш керак бўлади. Чунки тараққиётнинг америкача ёки европача андозаси ва либерал демократия янграётган дунё дуч келаётган муаммоларнинг барчасини ҳам ҳал этишга қодир эмас ...Зеро, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун инсон камида тирик бўлиш керак, яъни ҳар қандай демократия, аввало, унинг яшаш ҳуқуқига даҳл қилмаслиги керак³⁵.

Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг тараққиётнинг демократик йўлига ўтар экан, аввало, бу борада анча эҳтиёткорона йўл тутган эди. Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов 1992 йилда шундай деган эди: “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижтимоий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига ҳос шароитдагина ижобий натижа беради.

Глобаллашувнинг салбий ҳосиласи бўлган “оммавий маданият” “оммавий демократия” деган шовинистик руҳдаги шиорларни келтириб чиқараётганлиги, гўёки “дунё фуқаролиги” тартибини ғарб андозалари асосидаги “универсал демократия” билангина қарор топтириш мумкинлиги тўғрисидаги ошқора миссионистик ғоялар маънавий-мафкуравий “иммун тизими” тўлиқ шаклланмаган халқларга гўёки ўз муаммоларини тўлиқ ҳал қилиб берувчи “нажот” бўлиб кўринмоқда.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий - ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлай олиш республиканинг қаътий позициясидир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, соҳта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий лахзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва

³⁵ Юқоридаги манба, 41-42-бет.

маҳиятидир”³⁶. Бу келтирилган фикрлар демократиянинг жамиятимиз манфаатларига мос келувчи томонларини миллий хусусиятларимиз билан уйғунлаштириш, яъни диалектик алоқадорлик, ворисийлик (“янги уйни қурмасдан эскисини бузманг” тамойили) қонунлари асосида ижодий ўзгартиришларни эътироф этади.

Демократия ва либерализм – жамиятнинг ўзини-ўз бошқариш ва ўзини-ўзи ташкил этиш қонунларига асосланган ижтимоий тузумдир.

Демократия ва унинг қадриятларининг улуғворлиги шундаки, унинг реал амал қилиши шаротида фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиши юзага келади ва уларнинг ўз манфаатларини амалга ошириши учун имкониятлари кенгайиб боради. Демократик қадриятлар амал қилинган шароитларда давлат фаолияти фуқаролар назорати остида бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида содир бўладиган турли ўзгаришлар ва жараёнларда давлатдан кўра фуқаролар масъуллиги кучаяди. Худди ана шу маънода “демократия”ни халқ ҳокимиятининг кўриниши, амал қилиши сифатида таъриф қилинади. Демократик қадриятларнинг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, дунёдаги бир қатор мамлакатларда намоён бўлган тажрибаларига асосланиб жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатдонлари унинг қуйидаги мезонларини ишлаб чиққанлар:

- халқнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонунлардан хабардорлиги;

- қонунларнинг қабул қилиниши жараёнида фуқароларнинг бевосита ёки билвосита ҳеч қандай тазйиқларсиз иштирок қилишлари учун шароит яратилганлиги;

- қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан халқ назоратининг таъминланганлиги;

- оддий фуқароларнинг давлат ва жамият фаолияти билан боғлиқ ўзини қизиқтирган маълумотларни бемалол олишлари учун имконият яратилганлиги кабилардир.

Демократиянинг бундай умумэътироф этилган мезонлари, нормалари жамиятимизни демократлаштириш жараёнларининг асоси бўлиб ҳизмат қилмоқда. Ҳар бир ижтимоий ҳодиса феноменлик хусусиятига эга. Шу жумладан бундай феноменлик демократияни ҳам четлаб ўтмайди. Гарчи “демократия” сўзи маълум бўлса-да, кўпчилик унинг чинакам мазмуни билан таниш эмас. Бу эса тоталитар ва ҳатто, ҳарбий диктатураларга ҳам ўзини “демократик” деб аташ имкони берган ва ҳозир ҳам шундай. Демократиянинг асосий феноменлик жиҳати шундаки, уни ҳар ким, ҳар бир жамият ўзича тушунади ва ўзича идрок этади. Ҳатто, бу тушунчани шиор қилиб олиб айрим гуруҳлар ва давлатлар ўз манфаатлари йўлида инқилобий ўзгаришларни келтириб чираришга уринишлари ҳам мумкин. Бундай радикал хусусиятлар тараққиётнинг ва эркинликнинг энг олий ифодачиси бўлган демократияга ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо этади.

³⁶ И. А. Каримов. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. “Ўзбекистон”. Т., 1992, 9-10- бетлар

Демократияни жамият ҳаётига бирданига тадбиқ этиб бўлмайди. Аввало, демократиялаш асрлар давомида шаклланиб келган демократик кадриятларни тиклаш ва такомиллаштириш, умуминсоний демократик кадриятлар билан уйғунлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Демократия ҳаддан ташқари чекланиши ёки мутлақлаштирилиши ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Унинг ҳаддан ташқари чекланганлиги инсон эркини, ташаббусларини бўғиб қўйса, мутлақлаштирилиши эса ижтимоий зиддиятларни юзага келтиради. Ер юзидаги барча нарсаларнинг чек чегараси бордек, инсон эркинлигини таъминлашнинг ҳам чегараси мавжуд. Эркинлик ва демократия кўп ҳолатларда синоним сифатида қўлланилади. Чиндан ҳам демократия эркинлик ҳақидаги ғоялар мазмунини ҳам қамраб олади, лекин бундан ташқари, шуниси ҳам муҳимки, у эркинликка қонуний мақом бахш этадиган амалий нормалар ва тартиб қоидалар мазмунини ҳам қамраб олади. Айни шу ҳолат двлатимизнинг конституциявий принципларини демократик деб аташ имконини беради. Чунки уларда инсон ҳуқуқлари ва ҳамманинг қонун олдида тенглиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилган.

Тарихий жараёнлар тажрибасидан маълум бўлдики, жамиятда бошбошдоқликка олиб борувчи мутлақ эркинлик қонун йўли билан тартибга солиниб ва шу қонунларнинг бажарилиши мажбурий бўлгандагина шу жамият чинакам фуқароликка асосланган ҳуқуқий демократик жамият бўла олади. Бу ҳолатга Конституциямизда асосий урғу берилиб, 1- моддасида “Ўзбекистон - суверен демократик республика”³⁷ ва 15 - моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”³⁸ деб белгилаб қўйилди.

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т ., “Ўзбекистон”. 2010, 4-бет.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т ., “Ўзбекистон”. 2010, 5-бет.

ХУЛОСА

Инсоният тажрибаси ва сабоқлари бугунги кунда ҳам эркинлик ғояси такомилли, одамзоднинг эркин жамият сари интилиши, бир сўз билан айтганда, инсоният тараққиётига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Асосий хулоса эса бундай: либерализмнинг жамият ҳаётини демократиялаштиришга қаратилган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ғоялар тизими, жумладан, мазкур таълимотнинг инсон ҳуқуқ ва эркинларининг устуворлиги, хусусий тадбиркорликнинг дахлсизлиги ҳамда унинг фаолиятига маъмурий тизим аралашувининг чекланиши, сўз ва матбуот эркинлигининг кафолатланиши, умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришни назарда тутадиган фундаментал тамойиллари ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, кейинги вақтда либерализм таълимотининг инқирозга юз тутаётгани, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар йулида ғов бўлаётгани ҳақида мулоҳазалар купайиб бормоқда. Айрим муаллифлар бу таълимотни маънавий кадриятлар ва оиланинг ахлоқий асосларига путур етказишда айблаётган бўлса, бошқалари унинг жаҳонда руй бераётган ҳодисаларга ҳолисона баҳо бера олмаётгани, мазкур жараёнларга хил андоза билан ёндашаётганини таъкидламоқда. Масалан, машҳур француз адиби Морис Дрюон бу борада ўз юртидаги вазият ҳақида тўхталиб, бугун либерализмни ўнглар ҳам, сўллар ҳам, мўътадил сиёсий арбоблар ҳам қоралаётганини уқтирди.

Маънавий кадриятларга таянган эркин жамият барпо этишга йўлидаги дастлабки қадам бу фуқароларда қоунларга нисбатан тўғри оқилона муносабатни шакллантириш. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятида мутлақ ҳақ-ҳуқуқлар ҳам, чек-чегарасиз эркинлик ҳам бўлмайди. Демократия, аввало, қонун устиворлигига таянади, унинг давлат, жамият ва шахс ҳаётининг барча соҳаларида ҳукмронлигини тақозо этади.

Демократия ва унинг назарий асоси – либерализм таълимсотининг мазмун ва моҳияти ана шу оддий ва шу билан бирга, ўта мураккаб, бажарилиши қийин бўлган тамойилга таянади.

Бу тамойилнинг оддийлиги шундаки, у ҳар бир инсондан ҳақ-ҳуқуқларини теран англаш, ўз куч-имкониятларигагина таяниш, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўлиш, шахсий манфаатини давлат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштиришдан иборатдир.

Либерализм мафқураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини-ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликнинг бозор талқини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш ҳосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғиб ва ташвиқ қилади. Шу билан бирга, бу мафқуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимига амал қилишнинг салбий оқибатларидан сақлашни – ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

Миллий тараққиётимиз йўлида босиб ўтилган тарихий довол мамлакатимизда янги фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларининг ҳаётга кириб келиши учун ҳар томонлама мустаҳкам замин тайёрлади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир³⁹.

Энг аввало, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ белгилаб олинган ислохотлар стратегияси, унинг пировард мақсади, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланадиган, эркин, демократик фуқаролик жамиятини қуриш ва шу асосда халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг беқиёс самарасини бермоқда. Айни пайтда, жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодийётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Либерализмни соддагина қилиб, эркинликка чорловчи таълимот деб аташ мумкин. Лекин бугунги кунда бу таълимот демократик кадриятлар асосидаги эркин фуқаролик жамиятлари ҳаётига сингиб, кўпроқ уларнинг амалий натижалари сифатида кўзга ташланмоқда.

Либерализм ва унинг қардриятларининг улуғворлиги шундаки, унинг реал амал қилиши шаротида фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиши юзага келади ва уларнинг ўз манфаатларини амалга ошириши учун имкониятлари кенгайиб боради. Либерал ғоялар амал қилинган шароитларда давлат фаолияти фуқаролар назорати остида бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида содир бўладиган турли ўзгаришлар ва жараёнларда давлатдан кўра фуқаролар масъуллиги кучаяди. Худди ана шу маънода “демократия”ни халқ ҳокимиятининг кўриниши, амал қилиши сифатида таъриф қилинади. Демократик кадриятларнинг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, дунёдаги бир қатор мамлакатларда намоён бўлган тажрибаларига асосланиб жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатдонлари унинг қуйидаги мезонларини ишлаб чиққанлар:

- халқнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонунлардан хабардорлиги;

³⁹ Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

- қонунларнинг қабул қилиниши жараёнида фуқароларнинг бевосита ёки билвосита ҳеч қандай тазйиқларсиз иштирок қилишлари учун шароит яратилганлиги;

- қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан халқ назоратининг таъминланганлиги;

- оддий фуқароларнинг давлат ва жамият фаолияти билан боғлиқ ўзини қизиқтирган маълумотларни бемалол олишлари учун имконият яратилганлиги кабилардир.

Эркинлик ғоялари ривожига Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўзига хос равишда таъсир кўрсатди, тўғри, бугунги замонавий демократия қадимги Юнонистонда вужудга келиб, янги даврда Европада сайқал топган бўлсада, унинг нисбатан мукаммал кўриниши XX арнинг II ярми билан боғлиқ. Бу Шарқ мамлакатларида демократия бўлмаган дегани эмас. Шу ўринда демократияни шарқона модели ёки шарқ мамлакатларига хос бўлган жиҳатларини кўришимиз мумкин. Демократик ғоялар Ғарб ва Шарқда умумий қоидалар асосида ривожлансада, лекин уларни бир-бирлари билан фарқланадиган жиҳатлари мавжуд.

Миллий онгда ўзига хос хусусиятлар мавжудки, улар ҳар бир халқнинг руҳи, менталитети табиатини, белгилайди ва хусусан, шу халқнинг сиёсий тизимида ҳам акс этади, ҳар бир халқ ўзига хос ва мос бўлган сиёсий ташкилотларни ҳам шакллантиради.

Ғарбда демократия индивиднинг гуруҳдан устунлиги ғоясига асосланади. Бу ерда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи энг долзарб масала, Шарқда эса бошқача.

Бу ерда индивид эркинлиги ва ҳуқуқларига таянилсада у кўпинча гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари уйғун қўйилади. Ҳар бир халқ менталитети ва жамият заминида муайян шароитларида бозор муносабатлари ва сиёсий демократик қадриятларини ўзлаштиришга тайёр элементлар мавжуд. Бу фикрлар Осиё Тинч Океани минтақаси мамлакатлари ривожига хусусиятларини кузатиш натижасида айтилган. Ушбу мамлакатларда жамоа ва қатламлашув қадриятлари ва қоидаларга боғлиқлиги кучли, Ғарб Демократияси моделидаги индивидларни жамият ва давлат таъсиридан ҳимоя қилишга уринишлардан фарқлича, масалан, Япон модели “Шахсни ўзини ўзи чеклаш”, уни жамият ва давлат манфаатлари тизимига уйғун киришишни таъминлаш вазифасини қўйди. Бу ерда анъана ва замонавийликнинг ўзига хос уйғунлигига эришилган. Бу ерда монархия, бурч, келишув, жамоага содиқлик, шахс, манфаатларнинг гуруҳ манфаатларига таяниши каби қадриятлар сақланган. Ихтилофларни ҳал қилишда ёш - жинсдаги фарқлар ва ижтимоий –касбий фарқлардаги тенгсизлик сақланади ва ўзига хосликлар жуда кўп.

Юқоридаги айтилганлардан ҳулоса қилиш мумкинки демократияни, мутлоқ индивидуал эркинликка боғлаш бир тамонламандир, худди шунингдек, бугунги кунда ислом маданиятига асосланган давлатларда демократик тартиботларни ўрнатишда энг катта тўсиқ деб ҳисоблаш ҳам ноҳолисона ҳулосага сабаб бўлиши мумкин. Туркия, Миср, Мароқаш, Малазия каби

давлатларнинг ижобий мисоллари мавжуд. Исломда фитна – бирликни емириш ҳавфи ва умма-жамоа рўлини таъкитлаш билан бирга янгилашни ҳам муҳим ўрин тутди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ҳам демократияга ўтишни ўзига хос йўлидан бормоқда. Унда миллий анъаналар, урф – одатларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш миллий давлатчилик анъаналарини асраб-авайлаб сақлаш ва ривожлантириш йўлидан шошилмасдан, изчил босқичма – босқич ислохатлар амалга оширилмоқда.

Марказий Осиёда мамлакатни идора этишда қадимдан жамоатчиликнинг эркин фикрига алоҳида этибор бериб келинган. Халқнинг фикрини билиш турли ижтимоий гуруҳлар ва табақалар билан бамаънабат иш юритиш Амур Темур, Улуғбек, Мирзо Бобур ва кўплаб ҳукмдорлар учун қонун-қоида ҳисобланган. Давлат ишлари учун жамоатчилик билан биргаликда, муросаю мадора, муруват, бағрикенглик сабр-тоқатлик билан юргизиб келинган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётанлиги тасодифий эмас. Чунки кенгаш, маслаҳат, муросаю мадора, сабр-тоқатчилик, бағрикенглик мамлакатда ижтимоий муаммоларни ҳал этишни ва демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришининг зарурий шартидир.

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Фарб давлатларида бўладими ёки Шарқ давлатларида бўладими, демократияни “Эркинлик”, “Фуқаролик”, “Халқ суверенитети”, “Миллий суверенитет”, “Миллий давлат” каби тамойиллари борки, улар жамиятни ташкил этувчи озод ва эркин фуқароларнинг иродаси, манфаатлари, эҳтиёжларини рўёбга чиқишида жуда катта аҳамият касб этиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва расмий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т., 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т., 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т., 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 4. Т., 1996.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т., 1996.
8. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т., 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т., 1996.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. Т., 1997.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1 сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. Т., 2000.
13. Каримов И.А. Национальная идеология — для нас источник духовно-нравственной силы в строительстве государства и общества. Речь на встрече с представителями научной и творческой общественности, посвященной основным принципам Концепции идеологии национальной независимости, 6 апреля 2000 г. Т. 8, Т., 2000.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т., 2005.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2005 йил 7 декабрда сўзлаган маърузаси). Т., 2005.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 280 бет.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

II. Дарсликлар:

18. Бутенко А. П. Советская многопартийность: проблемы формирования. М., 1991.

19. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология. Т., 1999.

20. Панарин А.С. Политология. Учебник. М., 1999.

21. Политология асослари. Т., 1992.

22. Политология. Учебник. (Под ред. В.И.Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

23. Политология. Хрестоматия. (Под ред. М.Василика). М., 2000.

24. Политология.(с.ф.д. С.Жўраев умумий тахрири остида). Т., 2006.

25. Политическая энциклопедия. Т.1. М., 2000.

26. Пугачев В. П., Соловьев А.И. Введение в политологию. М., 2003.

27. Рамазонов И., Мўминов Е. Политология. Дарслик. Т., 1997.

28. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. 1-2-китоблар. Т., 1996.

29. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005.

III. Ўқув кўлланмалар

30. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т., 2002.

31. Бобоев Ҳ., Мирҳамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Т., 2005.

32. Пугачев В.П., Соловьев А.И.. Введение в политологию. М., 1998.

33. Гегель Г.В.Ф. Философия права. М., 1990.

34. Гринберг Т.Э. Политические технологии: ПР и реклама. М., 2005.

35. Жалилов А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Маърузалар матни. Т., 2002.

36. Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари асосида. Т., 1999.

37. Кузишин В. И. и др. Словарь античности. М., 1989.

38. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. Т., 1997.

39. Нерсисянц В. С. Политические учения Древней Греции. М., 1979.

40. Одилқориев Ҳ.Т., Ғойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. Т., 2004.

41. Отамуротов С., Қувватов Н. Кучли давлатдан — кучли жамиятга: Олий ўқув юртлири учун ўқув кўлланма. Т., 2003

42. Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., 1996.

43. Сагдуллаев А., Аминов В., Мавлонов У., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., 2000.
44. Сиёсатшунослик асослари. Маърузалар матни. Т., 2005.
45. Политология асослари. Ўқув қўлланма. Т., 1992.
46. Политология в логических схемах и таблицах. (Под.ред.А.В.Миронова). М., 1995.
47. Хайдаров А.А. и др. Основы политологии. Т., 2003.
48. Холбеков А. Идиров У. Социология: изоҳли луғат — маълумотнома. Т., 1998.
49. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма. (А.Азизхўжаев, О.Ҳасанов, Ҳ.Азизов ва бошқалар). Т., 2001.

IV. Илмий рисола, монография ва мақолалар:

50. Абу Райҳон Беруний. 1000 Ҳикмат . Т., 1993.
51. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993.
52. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
53. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т., 1993.
54. Абдурауф Фитрат. Оила. Т., 2000.
55. Арон Р. Этапы развития политической мысли. М., 1993.
56. Арташастра или наука политики. М., 1993.
57. Афлотун. Қонунлар. Т., 2002.
58. Барботько Л.М. Тотальная идеология против тоталитарного государства.//Вопросы философии. 2000. № 11.
59. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
60. Бойқобилов Б. Ўзбекнома. Т., 1999.
61. Бекмуродов М.Б. ва бошқалар. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. Т., 2003.
62. Белов Г. Эволюция нормативности политической системы современного российского общества.//Общественные науки и современность. 1996. № 1
63. Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 2000.
64. Бобоев Ҳ. Гафуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маърифий-маънавий таълимотлар тараққиёти. Т., 2001.
65. Боден Ж. Шесть книг о государстве.//Антология мировой политической мысли. Т.1. М., 1997.
66. Васильев Л. С. Конфуций.//Вопросы истории. 1989. № 3.
67. Великие ученые Средней Азии.//Под ред. М. Хайруллаева. Т., 1994.
68. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Т., 1998.
69. Жўраев С, Маҳкамов Х., Рустамбоев С. Америка Қўшма Штатлари. Т., 2003.
70. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий-таҳлилий мақолалар тўплами). Т., 2003.

71. Жўраев С., Жалилов А., Саидолимов С. Хорижий давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси. Ўқув дастури. Т., 2005.
72. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т., 1998.
73. Касымджанов А.Х. Абу-Наср аль-Фараби. М., 1982.
74. Качоха В. Проблема общего блага в современной демократии.//Вопросы философии. 2000. № 9.
75. Краснов Б. И. Политология как наука и учебная дисциплина.//Социально-политический журнал. 1995. № 1.
76. Кувалдин В.Б. Президентская и парламентская республика, как формы демократического транзита.//Полис. 1998. №5.
77. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т., 1996.
78. Моргентау Г. Международная политика.//Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т.2. М., 1997.
79. Мусский И. Сто великих мыслителей. М., 2004.
80. Независимый Узбекистан. Толковый научно-популярный словарь. Т., 2002
81. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Т., 1997.
82. Никонов В. Код политики. М., 2006.
83. Нуриддинов З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Т., 2002.
84. Одилқориев Ҳ. ва бошқ. Икки палатали парламент Т., 2005.
85. Огоҳ бўлайлик. Т., 1999.
86. Осипова Н. Г. Социально-политические взгляды Джона Стюарта Милля.//ВМУ. Сер. 18. 2000. № 3.
87. Островски К. Три политические культуры в Европе.//Социс. 1998. № 2.
88. Отамуротов С. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш.//Жамият ва бошқарув. 2003. №2.
89. Отамуротов С. Ҳокимият ва демократия мутаносиблиги.//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2003, №1-2.
90. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. (Под ред. И.Муминова). Т., 1977.
91. Платон. Государство.//Собр. соч. В 4 т. Т.3. М., 1994.
92. Сагдуллаев А. «Авесто» — тарихий географияни ўрганиш манбаи сифатида. «Авесто» китоби тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Т., 2000.
93. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Т., 1998.
94. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
95. Сумбатян Ю. Г. Концепция разделения властей: история и современность. //ВМУ. Сер. полит.науки. 2000. № 2.
96. Тавадов Г.Т. Политика и национальные отношения.//Социально-политические науки. 1991. № 10.
97. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т., 2001.

98. Титов КА. Прагматизм в политике и перспективы развития политической науки.//Полис. 1999. №2.
99. Хайруллаев М. Фараби. Т., 1985.
100. Халипов В.Ф. Власть. М., 1995.
101. Холбеков А. Демократия ва ижтимоий адолат.//Жамият ва бошқарув, 1998. №1.
102. Холбеков А., Матибоев Т. Ижтимоий адолат ва демократия. Т., 2004.
103. Христиан-Ислом мулоқоти. Германия-Ўзбекистон. (Халқаро семинар материаллари). Т., 2003.
104. Цицерон. Диалоги. О государстве. О законах М., 1969.
105. Чжен В.А., Максудов Ф. Теория и практика строительства демократического государства. Т., 1996.
106. Чудинова И.М. Идеология и политика.//Социально-гуманитарные знания. 1999. № 4.
107. Шабров О.Ф. Политическое управление: проблема стабильности и развития. М., 1997
108. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. Т., 2003.
109. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1997.
110. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамияти. Т., 2003.
111. Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида (Сиёсий-фалсафий таҳлил). Т., 1998.
112. Эргашев. И. Тараққиёт фалсафаси. Т., 2000.
113. Эргашев И., Шарипов В., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Т., 2002.
114. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т., 2004.

V. Интернет сайтлари:

115. www.gov.uz/
116. www.uz-info.com/
117. www.press-service.uz/
118. www.uzreport.com/
119. www.xs.uz/
120. www.elections.uz/
121. www.uza.uz/
122. www.mfa.uz/
123. www.uwed.uz/